

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВРИАТ
БОСҚИЧИДАГИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ
ЛОЙИҲАЛАШ ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАР
ДАСТУРИ ВА АДАБИЁТЛАРИНИ
ЯРАТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ
ВА МЕТОДИКАСИ

Ўқув-услубий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

МАМАРАЖАБ ТОЖИЕВ
БҮРИ ЗИЯМУҲАМЕДОВ
КАМОЛИДДИН МАМАДАЛИЕВ
ГУЛБАҲОР ОПАЕВА

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВРИАТ БОСҚИЧИДАГИ
ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТУРКУМИДАГИ
ФАНЛАР ДАСТУРИ ВА АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Ўқув-услубий қўлланима

41336

Тошкент
“TAFAKKUR-BO’STONI”
2013

UQUV ZALI

УДК: 371.8511517
ББК 74.26

Ўқув-услубий кўлланма педагогика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда умумий ва хусусий методологик асосларга суюнган ҳолда ўқув машғулоти лойихасини яратиш методикаси ифодаланган. Шунингдек, олий таълимнинг бакалавр босқичидаги “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” туркумидаги фанлар дастури ва ўқув адабиётларини яратишнинг хусусий методологик асослари, “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари ўқув режасига киритилган “Математика ўқитиш жараёнини лойихалаш” фанининг мазмуни ҳамда назарий ва амалий машғулотлар лойихалари ёритилган

Ўқув-услубий кўлланма олий таълим тизимида фаолият қўрсатаётган профессор-ўқитувчиларга фан дастури ва ўқув адабиётларини яратишида методологик асос вазифасини бажариб, ўқув машғулотларини миллий педагогик технология ва унинг тамоиллари асосида лойихалашда методик ўйл-йўрик вазифасини ўтайди.

Масъул мұхаррир:

Иктисод фанлари доктори, профессор Рахимов Б.Х.

Техника фанлари доктори, профессор М.У.Мажидовнинг
умумий таҳрири остида

Такризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бўлим бошлиги, педагогика фанлари номзоди, доцент Ш.Авазов,

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини ривожлантириш маркази бўлим бошлиги ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди, доцент X.X.Назаров,

Тошкент давлат педагогика университети “Математика ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди М.Баракаев

Ўқув-услубий кўлланма Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини ривожлантириш маркази Илмий кенгашининг 2013 йил 28 октябрдаги 10/3-сонли Карори билан нашрга тавсия килинган.

© М.Тожиев, Б.Зиямухamedов, К.Мамадалиев, Г.Опаева, 2013

Янгиланган классификатор бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг такомиллаштирилган, тасдиқланган ҳамда босқичма-босқич татбиқ этилаётган ДТСларининг “Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари”да “Педагогик технология тамоиллари асосида ўқув машғулотларни лойихалаш” лозимлиги белгиланган.

“(Математика)¹ ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари Давлат таълим стандартлари

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг тараққёти ва истиқболини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда катта ўзгаришлар бўлиши билан боғлиқ. Бундай ўзгаришларда иштирок этиш учун жамиятимиз аъзоларидан маҳсус ҳамда касбий билимлар, юксак маданият, маънавият ва кенг дунёқараш талаоб этилади. Ана шу талаблар асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири хисобланади.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, янгиланган классификаторга мувофиқ олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартларини ҳамда унга мос дарслклар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш масалалари устувор вазифалар қилиб белгиланди.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон таъкидлари, мамлакат ва жамият манбаатларидан келиб чиқсан ҳолда, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан имкон даражасида унификацияланди ва ушбу Классификаторга мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ДТСлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Педагогика таълим соҳасининг янги очилган фанларни ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Давлат таълим стандартлари асосида амалий кўнинмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш,

¹ Математика, Физика ва астрономия, Кимё, Биология, География, Тарих, Информатика.

яңги таълим йўналишларига киритилган фанлардан дарслик, ўкув қўлланма, ўкув-услубий мажмуалар мазмунини модернизациялаш ҳамда амалиётта татбик этиш чоралари кўрилди.

Янгилangan олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ДТСлари ва ўкув режалари ишлаб чиқилишида фанларни ўқитишнинг таълимий ва тарбиявий томони билан биргалиқда методикасини кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Фанларни ўқитишнинг методик томонини кучайтириш мақсадида, янги очилган ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Давлат таълим стандартлари жаҳон тажрибалари ва давр талабларидан келиб чиқкан ҳолда, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тегишли соҳаларга мувофиқлик нуктаи назаридан имкон даражасида унификацияланиб, педагогика таълим соҳасида янги очилган “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари бўйича ДТС ва ўкув режасига “(Математика)² ўқитиш жараёнини лойихалаш” туркумидаги фанлар киритилди.

Педагогик фаолиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан ўкув жараёнини лойихалашда, фалсафий асос ҳисобланган давлатнинг таълим-тарбияга кўяёғтан талаблари билан жамиятни мустақил Ўзбекистон фуқаросининг фазилатлар тизимига билдирган ҳоҳиши ҳамда диалектика қонунлари ҳамда системали ёндашув тамойилининг қоидалари умумий методологик асос вазифасини бажаради.

Ўкув машғулотини лойихалашда умумий методологик асос билан бир каторда, шу соҳанинг назарий асоси бўлиб ҳисобланган дидактика қонун, қоидада ва принциплари, психология ва психоанализ қонунлари ҳамда педагогик технология тамойиллари бу жараёнга хусусий методология бўлиб хизмат киласди.

Амалий асосга замин бўлиб хизмат қилувчи, педагогик фаолият жараёнда ўкув машғулотини олиб бориш йўрикномасини методика дейилса, уни такомиллашган ва замон талабига жавоб берувчи кўринишини педагогик технология дейилмоқда. Сабаби, педагогик технологияда ўкув машғулоти аввалдан лойихаланди, унда ўкув машғулоти қатъий бир шаклга келтирилиб, аниқ мақсадга йўналтирилган ва вакти белгиланган модулларга бўлинади, машғулот давомида бериладиган билимлар таянч тушунчалар орқали ифодаланиб, машғулотнинг ҳар бир модулида қўлланиладиган педагогик усуслар, ахборот коммуникация технологиялар ва дидактик материалларнинг ўрни аникланади ҳамда педагог ва талабаларнинг

мурокабалари аввалдан кўрсатилган бўлади, шунингдек, ҳар бир ўкув машғулотининг самарадорлиги қабул қилинган мезон орқали баҳоланади.

Ўқитишнинг педагогик технология усулининг асосида дастурланган таълим, ўкув машғулотини аввалдан лойихалаб олиш, модули ўқитиш, технологик ҳарита каби ноанањавий ўқитиш усуслари ётади. Педагогик технология тамойиллари асосида аввалдан лойихаланиб олиб бориладиган ўкув машғулотининг сифати фақат аъло ёки яхши бўлиши кафолатланган бўлади. Унда ўкув машғулоти қонїкарсиз ўтди, ёки ўкув машғулотининг олдига кўйилган мақсадга тўлиқ эришилмади деган гагларга ўрин қолмайди. Унинг устига, юқори даражада ўтилган ўкув машғулотини яна ва яна қайта тиқлаш имкони яратилади.

Зеро, расмий таълим-тарбия тизими орқали замон талабига жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш кўп жиҳатдан фан ўқитувчиси ва педагогларининг ўкув жараёнини педагогик технология тамойиллари асосида лойихалаб, бу лойихалардан ўзининг ўкув машғулотларида самарали фойдалана олишларига боғлиқ. Бўлажак ўқитувчига бундай билимларни “Ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фани беради.

Педагогик фаолиятни ўзига хос мураккаблиги, замонни унга кўяётган юқори талаби, педагогларни ўкув жараёнини амалга ошириш усулининг замонавийси бўлган педагогик технология тамойиллари асосида ўкув жараёнини лойихалаш бўйича берилиши шарт бўлган билимлар юзасидан аниқ маълумотларга эга бўлишилик учун, ушбу методик тавсиянома талабларини бажариш талаб этилади.

Шу талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Вазирлик тизимида 2012-2014 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастурлари” доирасидаги “Педагогик технологияни миљий модели асосида ўкув машғулотларининг лойихасини тузиш ва амалиётда қўллаш” мавзусидаги амалий лойиха асосида тайёрланган ушбу методик тавсиянома шу мақсадга хизмат қилишга йўналтирилган.

Ўкув-услубий қўлланманинг кириш, III, IV, хулоса қисми п.ф.д., проф. М Тожиев, кириш, I, II қисми ф.ф.д., проф. Б.Зиямуҳаммадов томонидан ёзилган ҳамда ўкув-услубий қўлланмани шакллантиришда катта илмий ходим-изланувчи К.Мамадалиев, мустақил тадқиқотчи Г.Опаеваларнинг материаллари эътиборга олинган.

Ушбу ўкув-услубий қўлланмани тайёрлаш мобайнида бизга ҳам амалий, ҳам ижодий маънода ёрдам кўрсатган фалсафа ф.д., проф. З.Давранов, ф.-м.ф.н., доцент А.Мавлянов ва Б.Топшўлатовларга ўз самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

² Математика, Физика ва астрономия, Кимё, Биология, География, Тарих, Информатика.

I. УМУМИЙ МЕТОДОЛОГИЯ

1.1. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН ҚОНУН ВА ҚОИДАЛАР

Ўзбекистонда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да Давлат таълим стандарти талабларини ҳар бир ўқув фанига алоҳида-алоҳида белгилаб берилганлиги туфайли, ўқув машғулотини лойиҳалаш жараёнида бу методологик асосга дастурламал сифатида таянилди.

Ўзбекистонда қабул қилинган мазкур ҳужжатлар ҳамда Республика Президентининг ёш авлод фазилатларига қўяётган талабларини инобатга олиб, буюк мутафаккирларни инсон ижтимоий сифатларига қўйган мезонлар тизимидан “Ўқув жараёнини лойиҳалаш” туркумидаги фанлар фан дастури ва ўқув адабиётларини яратишда методологик асос сифатида фойдаланилади.

Улар қуидагилар.

Ақлли ва билимли. Мустақил фикр юритувчи инсонни ақлли дейилади. “Ақлли”нинг луғавий маъноси – мустақил фикр юритмоқ, билмоқ дегани. Шундай экан, киши қанчалик кўп мустақил фикр юритиб, кўп билимга эга бўлса, шунча ақлли ҳисобланади.

Бироқ, инсон мустақил фикр юритмай, бошқалардан эшитганларини, китоблардан ўқиганларини ҳамда устоз муаллимлар айтганларини эсда сақлаб қолиб, шу йўллар билан олинган билимларга амал қилиб юриб талай ютуқларга эришиши мумкин. Бу ҳолда ақл ёрдамчи вазифани бажариб, инсон кўп ҳам интеллектуал кучини сарфламайди. Бундай кишиларни ақлли деб бўлмайди.

Лекин баъзилар, ўқитувчи ва муаллимларнинг айтганларига ва китобларда ёзилганига қаноат қилмай, тайёр андоза(билим)лар турганда, уларга кўр-кўрона амал қилмай, ҳар бир нарсанинг негизига ўзлари мустақил фикр юритиб етиб боришни истайдилар. Бундай кишилар ақлли ҳисобланади. Улар мустақил фикр юритиб, билим эгаллаш жараёнида анчагина ақлий қувват ҳамда вақтларини сарфлайди. Булар баҳтили ва эл ҳурматига сазовор кишилардир.

Мустақил фикр юритиб билим эгаллаб, бу билимларни маълум бир тартибда ўзида жамлаб юрганлар кўпгина билимга эга бўлади.

Уларни билимли инсон дейилади. Чин билимли деб, нарса ва ҳодисаларнинг том маъно ва мазмунига тушуниб етиб, уларни ташкил қилувчи қонуниятларини (билимларини) билиб олиб, ўз тафаккуридан ўтказиб, бу билимларни ҳаётида бир неча бор синаб кўриб, сўнг маълум бир тартибда хотирасида сақлаб, улардан амалда фойдалана оладиган кишига нисбатан айтилади.

Жамиятда муносиб ўрин эгаллаш учун, ҳар бир инсон мустақил фикр юритиб, бу билимларни тартиби билан ўзида жамлаб, кўп билимга эга бўлиши ва бу билимларни амалда қўллай олиши лозим.

Имон ва эътиқодли. Имон, бу кишининг бирон-бир нарсага астойдил ишониши. Бу ишонч Тангри таолога нисбатан бўладими ёки бирон-бир шахсгами ёхуд қандайдир воқеликками, барibir, инсон шу нарса ёки ҳодисага астойдил ишонса, у ўзида шунга нисбатан имон ҳосил қилган бўлади.

“Эътиқод” тушунчаси луғатлардаги “Ишонч”, яъни “Имон” тушунчаси билан маънодош сифатида кўрсатилгани билан, бу синоним сўзларнинг орасида фарқ бор. Имон, ишониш бўлса, эътиқод шу нарсага ишонган ҳолда унга тўлиқ амал қилишиликни билдиради. Имонсиз эътиқод бўлмайди, имондан мақсад, ишонган нарсасига доимо амал қилишиликдир. Бунда, киши ишонаётган нарсасига ростдан ишонишини амалий ҳаракатлар билан тасдиқлайди, натижада унда шу нарсага имон баробарида эътиқод ҳам ҳосил бўлади.

Барча мукаддас китобларда ишонган нарсасига доимо амал (эътиқод) қилишиликка эътибор берилган. Демак, имон ва эътиқод дегани, бирон нарсага чин дилдан ишониш ва унга доимо амал қилиб юришиликдир.

Ўз юртининг муносиб фарзанди, замон талабига тўлиқ жавоб берувчи инсон бўлишилик учун, албатта, мустақил фикр юритиб билимли, имонли ва эътиқодли бўлишилик талаб этилади.

Мехр ва муҳаббатли. Мехр ва муҳаббат деганда, инсонни табиатда мавжуд бўлиб, уни завқлантирган нарсасига майл кўйишидир. Инсоннинг меҳри дунёдаги ҳар қандай нарса ёки ҳодисага тушиши мумкин. Кишининг назари тушиб уни завқлантирган бирон-бир нарса ёки ҳодисани беихтиёр яна кўргиси, уни ҳис қилгиси келиб, унга интилса, демак унинг шу нарса ёки ҳодисага меҳри тушган ҳисобланади. Мехрнинг юқори даражаси муҳаббатдир.

Мехр ва муҳаббатга илмий нуқтаи назардан таъриф берар эканмиз, эстетик, руҳий ва истеъмолчилик муҳаббати билан бирга, баркамол кишиларда сўз билан таърифлаб бўлмайдиган илохий муҳаббат пайдо бўлади. Аммо, илохий муҳаббат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун инсон ақли ва дили пок, имонли ва эътиқодли бўлиши керак. Руҳи ва ақли ниҳоятда ривож топган одамларда илохий муҳаббат пайдо бўлади.

Синов учун, бу ўткунчи дунёга келган ҳар қандай киши, ўз руҳини пок тутиб, мустақил фикр юритиш орқали билим хазинасига, имон ва эътиқодга ҳамда муҳаббат эгаси бўлиши лозим. Акс ҳолда, бу дунёдан савоблар тўплаб кетиш ўрнига гуноҳлар ортириб кетади.

Ахлоқ ва одобли. “Ахлоқ” ва “Одоб” тушунчалари мазмунан бири-бирига яқин бўлиб, жамиятда эътироф этилган хулқ нормасига имон келтириб, уларга эътиқод килишликни билдиради. Ахлоқ ва одоб – кишининг жамият орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, ташки қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидаларни ўз ичига олади. Ахлоқ ва одоб қоидаларига – тўғри сўзлик, шарм-хаё, дилбарлик, камтарлик, хушмуомалалик, озода ва саромжонлик ҳамда бошқа кўпгина ижобий ижтимоий сифатлар киради. Ахлоқ ва одоб таълим-тарбия ва амалий тажриба жараёнида шаклланади ҳамда ривож топади.

Ахлоқ ва одоб муайян жамият ва давр талабидан келиб чиқиб ўзгаришларга учраши, тараккij этиши ёки сўниши мумкин. Ҳар бир ҳалқнинг ёки миллатнинг ўзига хос ахлоқи билан бирга, умумбашарий одоб меъёрлари ҳам бор. Бундай одоб меъёрлари жамиятнинг умумий ривожига самарали таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё ҳалқлари одобшунослик соҳасида бой меросга эга. Ахлоқ ва одобга оид фикрлар Куръони карим ва Ҳадиси шариф, “Авесто” китоби, қадимги турк битиклари ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари ўрта аср ва замонавий ёзувчи ва шоирлар асарларида ҳамда панднома ва ўгитлар, одобномаларда, ҳалқ педагогикасида, диний-фалсафий рисолаларда ахлоқ ва одоб масаласига кенг ўрин берилган.

Сўзсиз, мустақил фикр юритувчи имон ва эътиқодли, дили муҳаббатга тўла, ибратли ахлоқ ва одобга эга инсон баҳт деган неъматга эришган бўлади.

Мулкий муносабатга эга. Ёш авлодда мулкка бўлган тўғри муносабатни шакллантириш учун, бу ишни амалга оширмоқчи бўлган кишилар, аввало, “Мулк”, “Мулк шакллари” ва улардан келиб чиқадиган “Мулкий муносабатлар”, “Мулкни ҳусусийлаштириш”, “Мулкдор”, “Мулкий жиноятлар”, “Мулкий зарар”, “Мулкни хатлаш” каби тушунчалар тўғрисидаги билимларга эга бўлиб, бу билимларни ёш авлодга етказишлари дозим.

Мулк – моддий ва маънавий неъматларнинг алоҳида олинган кишилар ёки юридик шахслар эгалигига бўлишидир. Мулк обьекти ер, сув, ер ости бойликлари, корхона, бино, иншоатлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қофозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Моддий ва маънавий неъматларни амалда ўзлаштирувчилар, яъни эгалари, мулк субъектлари ҳисобланади. Буларга айрим кишилар, оиласалар, жамоалар ва ниҳоятда давлат киради.

Мулқдан амалда фойдаланиб, бундан наф кўриш мулкни тасаруф қилиш ҳисобланади. Бундай тушунчаларни билиб олиб, улардан ҳаётда тўғри фойдаланадиган инсонни мулкий муносабатга эга киши дейилади.

Ёш авлодда мулкий муносабатни тўғри шакллантириш, жамиятда тинчлик ва осоиишталикни сақлашликка, кишилар орасидаги иқтисодий муносабатларни тўғри олиб боришиликка, жамиятда обод ва фаровон ҳаётни барпо бўлишилигига хизмат қиласди.

Уддабурон ва тадбиркор. Бугунги кунда муҳим ижтимоий сифатлардан бири, бу уддабуронлик ва тадбиркорликдир. Ўсиб келаётган авлодда бу сифатларни шакллантириш шу куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Уддабурон деб, киши ҳар бир ишни тез ўзлаштириб олиб, уни чаққонлик билан амалга ошира олиш қобилиятига айтилади.

Тадбиркор одам деганда, ҳар бир ишнинг кўзини билиб, ўз фаолиятини бошқаларга қараганда юкори натижага эриша олган кишига нисбатан айтилади.

Тадбиркор одам бир вақтнинг ўзида уддабурон бўлиши шарт. Тадбиркорлик фаолияти кишиларнинг таваккал қилиб, мулкий жавобгарлик асосида, қонунчилик доирасида ташаббус билан фаолият кўрсатиши экан, бундай вазифани факат уддабурон одам

бажара олади. Уддабурон ва тадбиркорлик фаолияти маблаг ва табиий русурслардан оқилона фойдаланиш орқали қўзланган мақсад – фойда ёки тадбиркорлик дароматини олишга қаратилади. Шунинг учун ёш авлодда уддабурон ва табиркорлик фазилатини шакллантириш давр талаби.

Мехнатсевар ва шиҷоатли. Инсоннинг ўзига ва жамиятга фойда келтирувчи мақсадга мувофиқ ҳаракати, меҳнат дейилишини ҳамма билади. Меҳнат, кишилик ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Меҳнат орқали инсон табиатдаги нарсаларни ўзига мослаштириб ўзгартирибгина қолмай, балки ўзи ҳам баркамоллашиб боради, унинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари ўсади. Шунинг учун ҳам ёшларда меҳнатсеварлик фазилатини шакллантириш зарур.

Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, шиҷоатлилик сингари ижтимоий сифатларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Меҳнат тарбияси фалсафий-педагогик тушунча бўлиб, “Меҳнат таълими”, “Касбга йўналтириш”, “Политехник таълим” сингари тушунчаларни ўз ичига олади. Болаларга меҳнат тарбиясини беришда боғча, мактаб, коллеж, академик лицей ҳамда олий ўқув юрти каби ижтимоий педагогик муассасалар катта ўрин тутади.

Ёшларни меҳнатсеварликка ўргатишда, уларда, бирон бир ишни бошлаганидан сўнг, уни охирига етказиш хиссини ҳам тарбиялаш лозим. Чунки, киши меҳнатсевар бўлса-ю, бошлаган ишини охирига етказмаса ёки шу ишни сусткашлик билан чўзуб амалга ошиrsa, ундан меҳнатнинг фойдасидан зараги кўпроқ бўлиши мумкин. Меҳнатсеварлик фақат шиддатлилик фазилати билан уйғунлиқда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Хуқуқий ва экологик маданият. Ҳозирги даврда ўсиб келаётган авлоднинг хуқуқий ва экологик маданияти жамиятимиз тараққиётида мухим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинган.

Ушбу дастурда таъкидланганидек, юксак хуқуқий маданият демократик жамият пойdevori ҳамда давлат хуқуқий тизимини етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи фуқаролар, барча ижтимоий гурухларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитли-

ги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш, хуқуқий демократик жамиятнинг сиёсий ва хуқуқий тизимларининг самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Хуқуқий онг ва хуқуқий маданият деганда, кишилардаги хуқуқий билимлар йигиндиси, хуқуқий саводхонлик даражаси, уларнинг қонунларга бўлган ҳурмати, хуқуқий нормаларни ижро этиш, ҳаётга татбиқ эта олиш даражаси, хуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлиш, қонунларга итоаткорлик, фаоллик, ташаббускорлик даражаси тушунилади. Ушбу ўринда, муҳтарам Президентимизнинг куйидаги сўзларини келтириш ўринли: “...хуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив хужжатларга нисбатан чукур ҳурмат хиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро хуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рӯёбга чиқади”[5].

Маълумки, атрофдаги табиат унсурлари бир-бирлари билан узвий боғланган ҳамда доимо ўзаро алоқада ва таъсирда. Улар унсурлар ўртасида муттасил равишда рўй бериб турадиган модда ва энергия алмашинуви оқибатида ҳосил бўлади ва табиатнинг бир бутунлигини таъминлайди. Табиат унсурларининг ўртасидаги бундай ўзаро таъсир ва алоқалар узоқ геологик даврлар мобайнида ривожланиб, турли ҳудудларда турли экосистема (экомажму)-ларнинг шаклланишига олиб келган. Экомажмуларда модда ва энергиянинг кириб келиши билан чиқиб кетиши ўртасида динамик мувозанат юзага келган. Бу экомажмуни сифат жиҳатдан маълум бир ҳолатда узоқ муддат бўлиб турishiни таъминлайди.

Экомажмулар ҳаётига инсоннинг ҳаддан зиёд аралашуви, бу системадаги мувозанатнинг бузилишига ва экологик муаммоларни келиб чиқишига олиб келади. Табиий экомажмулар бузилиш жараённида шу мажмунинг унсури ва биосферанинг таркибий қисми бўлган инсон ҳам жабр кўради.

Ёшларимиз тарбиясида, биз учун биринчи бўлган масала, бу ёш авлодни экологик маданиятини шакллантириш ва экологик фаол кишиларга айлантириш. Экологик фаол кишилар деганда, экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қабул қилинган қонунларни билиб олиб, уларга доимо амал қилиб юришлик ҳамда

бу қонунлар бузилган жойда, бу ҳодисага муросасиз бўлишлик тушунилади.

Соғлом ва эзгу ниятли. Соғлик, инсон ижтимоий моҳиятининг ажралмас қисми бўлиб, унинг ижобий ижтимоий сифатларидан, яъни фазилатларидан биридир. Мутлақо соғ қиши деб, ҳам жисмонан, ҳам руҳий, ҳам ақлий жиҳатдан саломат бўлган қишига нисбатан айтилади. Демакки, чин саломат одамнинг руҳи бақкуват, ақли расо, танаси эса яхши ривожланган бўлиши шарт.

Жисмоний саломат одам, ўз танасининг эгаси бўлади. Яъни, у барча аъзоларини ўзига бўйсундириб, истаган жисмоний иш ва машқларни бажара олади.

Ақл тарбияси билим эгаллаш билан амалга оширилиши муносабати билан, инсон доимо билим олиш жараёнида бўлмоғи лозим. Бу ишда ҳал қилувчи ролни инсон ўйнайди. Ҳеч қандай отона, ёру биродар ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар, қиши миясини “Ёриб”, ақлини чархлаб, ичига билим солиб кўймайди. Бу ишни фақат инсон ўзи бажаради, колган барча одамлар унга йўл кўрсатиши ва билим эгаллаши учун ёрдам бериши мумкин холос. Ақлини ривожлантириб бориш, юксак билим ва малакаларга эга бўлиш фақат қишининг ўзига, саъи-харакатига боғлиқ.

Руҳий саломатлик, қишининг ҳаёт-момотида етакчи ўрин эгаллади. Руҳий саломат деганда, қишининг қилган ниятлари ва олдига кўйган мақсадлари тушунилади. Руҳий саломат бўлишлик учун, ҳар бир ишни бошлашдан олдин, тўғри ният қилиш талаб этилади. Тўғри ният қилди деганда, фақат эзгу ният тушунилади. Эзгу ниятнинг заминида таъма ётмайди. Фалон ишни қилсан бойиб кетардим ёки шу ишни қилсан менга анча фойда бўларди каби ниятлар таъмагарлик ҳисобланади. Муайян ишни қилсан ҳалқа ёрдамим тегар эди ёки бу ишимдан фалончига катта наф тегар эди дейишлик эзгу ният ҳисобланади. Афсуски, кўп қишилар фақат ўзини фойдасини кўзлаб ният қилади. Бундай ниятлар илоҳий кучлар томонидан ижобат қилинмайди. Қилинган тақдирда ҳам, қишига бойлик ва фаровонлик олиб келсада, унинг тинч ва баҳтли ҳаётини кафолатламайди.

Миллий ғуурга эга ва ватанпарвар. Ёш авлодда миллий ғуурни шакллантириш учун, аввалом бор, уларда инсоний ғуурни ривожлантириш зарур. Чунки, миллий ғуур фақат инсоний ғуур заминида шаклланади ва ривожланади.

Инсоний ғуур кишида ёшлигидан ўз-ўзидан шаклана бошлайди, фақат уни сўндиримаслик керак. Болани мустақил фикр юритиб, мустақил равиша бирон бир ишни бажаришга ўргатиш, ундаги инсоний ғуурни ривожлантиради. Болалардаги инсоний ғуурни сусайтирмасдан, уларга кўпроқ мустақил фикр юритишига ва мустақил равиша ишларни бажаришга имкон яратиш орқали, бу ғуурни озуклантириб туриш лозим. Маълум бир вақт ўтганидан кейин, бу инсоний ғуур қишининг маънавияти (ҳаёт тарзи)га айланаб, унда миллий ғуурни пайдо бўлишига замин таёrlайди.

Ёшларда миллий ғуурни шакллантириш учун, уларга ўзи тугилиб ўсган миллий худуднинг тили, урф-одати, маънавий ва маданий меросини билдириш керак бўлади. Шунда болалар вужудида шу миллат вакили эканлигидан мамнунлик ҳисси пайдо бўлиб, секин аста у ҳис миллий ғууррга айланади.

Демак, қишининг миллий ғуури бор деганда, ўзидаги инсоний ғуур заминида, яшаб келаётган худуд туб ҳалқининг урф-одатлари, анъаналари ҳамда маданий ва маънавий меросини яхши билган ҳолда, шу миллатга мансуб эканлигидан мамнун бўлиб, шу ҳолатдан фаҳрланадиган ва миллати ривожига фаол қатнашадиган қишига нисбатан айтилади.

Аммо, миллий ғуур фазилатига, манфий нисбат бериб, уни мақтанчоқликка ва ундан ҳам даҳшатлиси миллатчиликка айлантириб юбормаслик керак. Миллий ғуур фазилат бўлса, миллатчилик иллатdir.

Ватанпарварлик – қишиларнинг она-юртига, ўз ватанига маҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ўз ватанига, ҳалқига бўлган мухаббат, миллий эътиқод туйғулари инсонга хос хусусият бўлиб, у ватаннинг шуҳрати ҳамда қурдатини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ ишларда намоён бўлади.

Миллий ғуур фазилати, одамга табиатан берилган инсоний ғуур ва миллат тўғрисидаги билимлар негизида шаклланса, ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган ватанпарварлик туйғусини инсоннинг онгига сингдириш ва шу руҳда тарбиялаш талаб этилади.

Бугунги кунда ватанпарварлик алоҳида таълимий қадрият сифатида намоён бўлмоқда. Ватанпарварлик тарбиясини таълимнинг турли босқичларида амалга оширишда ўқитувчи ва мураббийлар билан бир қаторда, ота-она, оммавий ахборот

воситалари, бадий адабиётлар мұхым восита бўлиб хизмат қилиши илмий асосланган.

Толерант ва инсонпарвар. Толерантликнинг луғавий маъноси, сабр-тоқат деган тушунчани билдиради. Мазмунан уни бағрикенглик деса ҳам бўлади. Толерантлик – бағрикенглик: ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, хис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига тоқатли бўлиш. Ҳозирги дунёда толерантлик ўта мұхым аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва янада интеграллашуви, мобиллашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, кенг миқёсли аҳолини кўчиди юриши, миллатларо никоҳлар жамиятда толерантлик тамойилини аҳамиятини кучайтиради.

Толерантлик – жаҳондаги турли миллат ва иркларга ҳамда динларга мансуб кишиларнинг ҳалқаро бирдамлиги, уларнинг бир-бирини тушунишлари ва ўзаро ишончининг заминида ҳосил бўлади. Жаҳондаги барча миллат ва эллатларнинг маънавият, қадрият ва маданиятлари, билим ва технологияларнинг ўзаро сингиб боришининг асосидир. Чунки, ҳар қандай маданият ўзаро таъсир ва алоқаларсиз ривожланмайди. Ўзаро алоқалар аҳамиятини инкор қиласидан шахс ва давлатлар умумий тараққиётдан орқада қолиб инқирозга юз тутади.

Инсонпарварлик – инсоннинг қадри, эркинлиги, баҳт-саодати, тенг ҳуқуқлиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳакида ғамхўрлик қилишни ифодалайди. Инсонпарварлик, одамларга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш демакдир. Унга кўра, дунёда қимматли нарса инсондир, бутун мавжудот, борлик, унинг баҳт-саодатига хизмат қилиши лозим. Инсон тақдир, ҳалқ манфаатлари, мамлакат кишилари ва жаҳондаги барча инсонлар ҳакида ғамхўрлик инсонпарварликнинг асосий ғоясидир.

Кўриб турганимиздек, инсонпарварлик бориб толерантликка тақалар экан. Толерантлик ва инсонпарварлик бир бутун нарсанинг икки томонини ифодалайди.

Мард ва жасур. Инсоннинг жозибадор ва ижобий ижтимоий сифатларидан бири, бу мардлик ва жасурлик. Бу икки тушунча бири-бирини тақозо этиб, бири-бирини тўлдиради.

“Мардлик” тушунчasi уч-тўрт маънода ишлатилиб, бири жасурликни англатиб, “Мард йигитни майдонда кўр” майлида тушуниш бўлса, иккинчиси, саҳийликни билдиради, учинчиси эса тўғрисўзликни.

Мард кишининг дили пок, нияти фақат эзгуликдир. Шунинг учун ҳам, унинг кўли очиқ ва саҳий бўлади. Билими кўп, ўзи ақлли, нияти фақат яхшилик, сўзи чин ва кўли очиқ одам ҳеч нарсадан кўркмайди. Чунки, кишидаги кўрқоқлик туйғуси, унинг билимсизлиги, зиқналиги ва қилиб кўйган гуноҳлари эвазига пайдо бўлади.

Мардлик ва жасурлик инсон шахсини улуғлайди, унга бошқа яхши фазилатларни шакллантириб, юксалтиришга кўмаклашади.

Мард ва жасур одамни тарбиялаб етиштириш учун, бу фазилатнинг зидди бўлган – кўрқоқлик, зиқналик, очкўзлик, ёлғончилик, сўзида турмаслик каби салбий ижтимоий сифатлардан болаларни сақлаш керак. Гарчи, бундай иллатлар болаларда пайдо бўлиб қолган бўлса, жуда эҳтиёткорлик билан уларни бундай қусурлардан тозалаш лозим.

Сабр-қаноатли ва саҳоватли. Бу фазилат юқори ижтимоий сифатлардан бири бўлиб, киши кулфатга учраб, унга азоб-мусибатлар келиб, дилини ғам босгандা, уларга чидашни, тоқат қилишни ва бор нарсага қаноат қилишни тақозо қиласиди. Унга омад кулиб боқкан чоғда кулфатли кунларни эслаб, зиқналик қилмай, борини бошқалар билан баҳам кўришни англатади.

Юқорида айтилгандек, инсон бошқа маҳлукотлардан мақсад сари қиласидан ҳаракатлари билан ажралади. Кўплар, мақсадга тезроқ етиб бориш илинжида сабр-тоқат қилмай талай хатоликларга йўл кўяди. Мақсадга тезроқ етиб бориш истаги яхши, аммо, мақсадга етиш жараёнининг ўзини тадрижий ривож тезлиги бўлишигини унумаслик жоиз. Мақсадга етишиш учун, унинг вақти-соатига амал қилиш керак бўлади. Бунинг учун сабр-тоқат қилиш лозим.

Саҳоват деган фазилат, инсондаги барча ижобий ижтимоий сифатларни мужассамлаштирувчи олий даражадаги фазилатdir. Бундай фазилатни тўла-тўқис эгаллаган, инсон такомил босқичининг юқори даражаси – баркамолликка эришган ҳисобланади.

Тўлиқ саҳоватли инсон деганда, бутун сайи-ҳаракатларини фақат ҳалқ фаровонлиги йўлида олиб борадиган инсон тушунилади.

Бирок, бундай фазилатнинг элементлари кўпчиликда учрайди. Бундай саҳоватлилик элементларини ёшларда ривожлантириб, уларни тўлиқ саҳоват эгаси бўлишилигига эришиш лозим. Тўла саҳоватли инсон тўлиқ баҳтга эришган ҳисобланади.

Саҳоватли фазилатига тўлиқ эришиши учун киши сабр-каноатли бўлишилигини унумаслик лозим.

1.2. Диалектика қонунлари билан системали ёндашув тамойилининг қоидалари

Педагогик фаолиятни, шу жумладан ўқув жараёнини лойиҳалаш ишини, амалга оширишда умумий методологик асослардан бири, яъни фалсафий асоснинг бир қисми, диалектика қонунлари билан системали ёндашув тамойилининг қоидалари ҳисобланади.

Биламизки, диалектиканинг асосий қонунларига – “Қарама-қарши томонлар бирлиги ва қураши”, “Миқдорни сифатга ва сифатни миқдорга ўтиш қонуни” ҳамда “Инкорни инкор қонуни” киради. Бу қонунлар, коинотнинг барча нарса ва ҳодисаларида, шу жумладан ўқув жараёнинда ҳам ўзини намоён қиласди. Булар дунёни ҳаракатда келтирувчи ва уни мувозанатда ушлаб турувчи қонуниятлар бўлиб, уларни инкор қилиб бўлмайди.

Диалектиканинг уч асосий қонунини ўқув машғулотларини лойиҳалаш жараёнинда ишлашини кўриб чиқадиган бўлсак, аввалом бор, лойиҳаланаётган таълим-тарбия жараёнини кўз олдимизга келтиришимиз керак бўлади. Таълим-тарбия жараёни бир бутунлик бўлгани ҳолда, икки қарама-қарши “Таълим берувчи” ва “Таълим олувчи” деган томонлардан, бошқача айтганда қарама-қарши кучлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Ҳақиқатдан ҳам, таълим бериш, бу таълим олиш эмас, таълим олиш эса, таълим беришнинг зидди ҳисобланади. Булар қутбий қарама қарши кучлардир. Диалектика қонунига биноан улар бир вактнинг ўзида бир-бирига интилади ва бир-биридан қочади. Уларнинг орасида ўзаро тортилиш билан бир вактда, бири биридан қочиш ҳам мавжуд. Ўқув машғулотини лойиҳасини тузганда, диалектиканинг бу қонунини ҳисобга олмасак, лойиҳа қоидагидек бўлмайди ва ўқув жараёнини амалга оширишда қийинчиликларни туғдиради.

Диалектиканинг иккинчи қонуни, “Миқдорни сифатга ўтиш” қонуни бўлиб, у ҳам ўқув машғулотини лойиҳалаш жараёнинда

кўзда тутилиши шарт. Қарама-қарши томонлардан бири бўлган “Гаълим берувчи” қарши томон “Гаълим олувчига”, берилаётган билим моҳиятини очиб, қизиқтириб, тушунтириши пайтида, “Гаълим олувчи”, уни қабул қилгиси келмай, педагогга ботинан қарши туради. Ўқув жараёнини нормал ҳолатга келтириш ва қарши турган кучнинг майиллигини ўзининг фойдасига ҳал бўлиши учун миқдор йигилиб сифатга ўтиши шарт. Унинг учун берилаётган билимларни тарбияланувчига бир неча бор тақорглаш лозим бўлади. Илмий тадқиқодлар шуни кўрсатдик, бериладиган билим таълим олувчининг мия қобигида ўз аксини топиши учун уни камида 4 – 5 маротаба, мураккаб мавзуларни ўтганда 8 – 9 маротаба тақорглаш лозим экан. Шундагина миқдор сифатга ўтиб, талабалардаги “Билмаслик” ҳолати “Билди” ҳолати билан алмашинади, миқдор сифатга ўтади.

Миқдор сифатга ўтиш жараёнинда диалектиканинг учинчи қонуни ҳам ишлай бошлайди, яъни, “Инкорни инкор қонуни” ишга тушади, талабалар ўзларидаги “Билими йўқ” ҳолатини инкор қилиб, “Билимли” деган сифатга эга бўладилар.

Хар қандай фаолиятнинг фалсафији асосларидан яна бири дунёни илмий тушунишдир. Дунёни илмий нуктаи назардан тушуниш деганда, табиат ҳамда жамиятдаги бизга маълум бўлган қонуниятларни синтезлаш асосида дунёни англаш тушунилади.

Дунёни илмий тушуниш заминида оламни фалсафији концепцияси билан табиий ва ижтимоий фанлардаги қашф қилинган қонуниятлар ётади. Фалсафанинг шу кундаги асосий концепциясини, синергетик дунёқарашдан келиб чиқувчи бутун борликқа система (мажму) сифатида ёндашув тамойили ташкил қиласди.

Ҳозирги замонда дунёни илмий тушуниши, ташкилий жиҳатдан умумий белгиларга эга турли обьектларнинг ҳар турли мажму гурухларига бирлаштиришни кўзда тутади.

У бутун олам тадрижий ривож маҳсулни эканини исботлади. Бу фикр XX аср ўрталарига келибгина тўлалигича англаб етилди. У Ньютон физикасини асосий гоясига зид бўлиб, механик физикага асосланган дунёқарашни тубдан ўзгартиришга замин тайёрлади.

Физик космологиянинг шу кундаги тараққиёт босқичи, таркиби жиҳатидан хилма-хил, йирик масштабли ва мураккаб коинотнинг пайдо бўлиш сценариясини кўз олдимизга келтириб, шу кунга қадар бўлган тараққиёт босқичларини тушунтириб беришга

йўналтирилган. У галактиканинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмларини очиб берибина қолмай, юлдузлар, планеталар ва ҳаётнинг пайдо бўлиш сирларини ҳам илмий асосда кўрсатиб бериш имконига эга бўлди.

Эволюцион ғоя ҳозирги замон астрофизика ва космологиянинг қон-қонига сингиб кетди. Ривожланиш тамойили шу замоннинг илгор табиатшунослигининг асосини ташкил қилиб, одамлар дунёқарашини шакллантиришда етакчи ўрин тутади.

Айнан, астрофизика ва космология коинот эволюция натижасида бунёд бўлганини исботлаб берди. Греклит, кейинчалик Кант ва бошқалар илгари сурган, коинотни ўзгариб туруви бир бутунлик (мажму) сифатида тасаввур қилиш ҳозирги замон дунё илмий манзарасининг асосини ташкил қилади.

Умуман, системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканини ҳам кўрса бўлади. Бутун борлик қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини Платон, Фаробий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида учратиш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан коинот қадар вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туришини айтган.

Бироқ, XIX – XX аср олимлари нарса ва ҳодисаларга анъанавий тасниф беришдан нарига ўтолмадилар. Факат XX асрнинг 50 - йилларига келиб, ўрганилаётган обьектга ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида карайдиган бўлиши.

Объектив борлиқка чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳакозо хусусиятларга эга бўлган мажмулар сифатида идрок қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга мажму сифатида ёндашиш ривожлана бориб, киска вақт ичидан ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Мажмулар назарияси жуда ҳам тараққий этган назария бўлиб, ўз қонуниятларига, қоида ва категориал аппаратига ҳамда маҳсус фикр юритиш услугига эга. **Система деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.**

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда, ўзи ҳам ўзидан бир погона юқори бўлган мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир

ногона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чексиз ва чекли давом этиши мумкин. Табиий мажмулар чексиз поғоналардан иборат бўлиб, техник мажмуларнинг поғонадорлиги чекли бўлади.

Муайян нарса ёки ҳодисани ҳақиқий мажму эканини аниқлаш учун, мажмуни ташкил қилувчи бирон қисмини хусусиятини ўзгартириб қўриш керак. Мажмулар назарияси (теория систем) бўйича, мажмуни ташкил қилувчи қисмлардан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ва макон ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмунинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йигиндиши билан ажралиб туради. Мажмунинг хусусияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади, мажму ҳолатини кетма-кет намоён бўлиши жараён дейилади.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекциясининг шаклига қараб, бир қатор гурухларга ажralади. Уларга: тартибли ва тартибсиз; тезликка эга ва суст; икки қарама-қарши ва кўптомонлама; нуқтавий ва тизимли; тикланувчан ва тикланмайдиган; оддий ва мураккаб; марказлашган ва марказлашмаган; бир ва кўп погонали ва ҳоказо.

Мажмулар назарияси бўйича яна мажмулар ҳолатига ва бошқа хусусиятларига қараб бир неча гурухларга ажralади.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиб ишни бажариш “Мажму ёндашув тамойили”га амал қилиш дейилади.

Мажмулар назариясидан келиб чиқиб бажарилган иш бир неча ўн баробар осонлашади. Баъзи мураккаб ишларни, мажму ёндашув тамойилини қўлламай бажарib бўлмайди.

Таълим-тарбия фаолияти ўта мураккаб бўлганлиги туфайли, мажму ёндашув тамойилидан фойдаланмай, уни талаб даражасида бажариб бўлмайди.

Ўқув машғулотини лойиҳалаш жараёнида мажму ёндашув тамоилининг қуидаги қоидаларига риоя қилиш лозим.

Мажму ёндашув тамоилининг асосий қоидаларидан бири, ўрганилаётган нарса ёки ҳодисани, ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида англаш.

Мажму ёндашув тамоилининг навбатдаги қоидаси иерархияга асосланган поғонадорлик. Бу дегани, ҳар қандай мажму, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорликда бўлган қимлари, бир поғона пастда турган мажмулардан ташкил топган бўла туриб, ўз навбатида, ўзлари бир поғона юқори турган мажмуга қисм бўлиб хизмат қиласди. Юқорида айтганимиздек, бу жараён чекли ёки чексиз бўлиши мумкин. Ўқув жараёнини лойиҳалашда поғоналарни чалкаштирмаслик лозим ва гап қайси поғонадаги мажму устида бораётганини англаш туриб лойиҳани амалга ошириш керак.

Мажму ёндашув тамоилининг кейинги қоидаси, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа мажмулар билан ҳам алоқада бўла оладилар.

Мажму ёндашув тамоилида бундай қоидалар анчагина бўлиб, биз факат ўқув жараёнини лойиҳалашда амал қилиниши шарт бўлган асосий қоидаларни санаб ўтдик холос.

Демак, мажму ёндашув тамоилидан келиб чиқадиган бўлсак, ўқув машғулотини яхлит бир бутунлик сифатида идрок килиш лозим. Ўқув машғулоти таълим ва тарбиянинг асосий шакли, у муайян миқдордаги доимий талабалар таркиби билан қатъий тартибда уюштирилган ва аниқ максаддага йўналтирилган дидактик тадбир хисобланади.

Ўқув жараёнини функционал боғлиқликда бўлган қисмлардан ташкил топганлик ҳолатини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, ўқув жараёнини амалга ошиши учун, аввалам бор, **талабалар** бўлиши шарт. Бу ўқув машғулотининг биринчи таркибий қисми. Иккинчидан, ўқув машғулотини олиб бориш учун ўқитувчи ёки **педагог** бўлиши лозим. Бу ўқув машғулотининг иккинчи ажралмас қисми. Шу билан бир қаторда, ўқув машғулотини амалга ошириш учун аудитория ва ундаги жиҳозлар ҳамда турли ахборот-коммуникация технологиялар бўлиши талаб этилади. Бу ўқув машғулотини учинчи **техник воситалар** деган қисми. Педагог томонидан ўқув машғулотини олиб бориши учун намунавий ва

шунчалик дастур, тақвимий режа, дарс лойиҳаси, ўқув методик қўлланмалар ва бошқа **меъёрий ҳужжатлар** керак бўлади. Бу ўқув машғулотининг тўртинчи қисми. Шулар билан бир қаторда ўқув машғулоти албатта маълум бир **методика** асосида олиб борилади. Бизнинг мисолда, бу **педагогик технология**. Бу ўқув машғулотининг бешинчи таркибий қисми. Шу бешта қисмлар, ўзаро функционал алоқадорликка киришгандагина ўқув машғулоти амалга ошиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Ўқув машғулоти жараёнини лойиҳалашда буни эътиборга олиш шарт.

П. ХУСУСИЙ МЕТОДОЛОГИЯ

2.1. Дидактиканинг қонун қоида ва принциплари билан психология ва психоанализ қоидалари

Дидактика – таълим назарияси тушунчасини англатади. Таълим назарияси таълим – тарбия жараёнида амал килиниши лозим бўлган қонун, қоида, принциплар, таълим усуллари, таълим – тарбия шакллари ва педагогикадаги асосий тушунчаларни ишлаб чиқишни ўз бўйнига олади.

Дидактика ўқитишининг умумий қонун ва қонунуниятларини аниқлаб бериси билан бирга, хар бир ўкув фанининг ўқитиши методикаси, шу жумладан таълим технологияси учун хусусий методологик асос вазифасини ўтайди.

Таълим қонулари тўғрисида гап борганда, кўпгина хорижий мамлакатларда қабул қилинган, америкалик Торндайк мактаби аниқлаган қонунларни эслатиб ўтишликни жоиз деб билдик. Бу мактабнинг асосий фояларини Олий ва ўрта маҳсус ва қасб-хунар таълимини ривожлантириш марказида чуқур илмий таҳлил килиниб, бизнинг шароитга мос келиши аниқланди.

Ўзаро боғлиқлик қонуни – таълим-тарбия жараёнида иккита руҳий ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқликдаги ривожланиш қонуни. Бу қонун бўйича таълим-тарбия жараёни таълим берувчи ва таълим олувчи руҳининг бир йўналишда ҳаракатини тақозо этади.

Машқ қонуни – бу қонун бўйича эгалланган билимни кўнникма, сўнг малакага айлантириш учун, машқ қанчалик тез бўлса, қайтар реакция ҳам шунчалик тез бўлиб, билим эгалланни ҳам тез ўтади, уни хотирада узок муддат сакланиши ҳам таъминланади.

Интенсивлик қонуни – бу қонун бўйича, машқлар жавоби қанчалик интенсив равишда бўлса, у шунчалик тез ўзлаштирилади.

Ассимиляция қонуни – ҳар бир янги “Туртки” қайтар реакцияни вужудга келтиради. Шунинг учун эгалланган билимларни қайтариб туриш йўли билан “Туртиб” туриш лозим бўлади.

Натижавий қонун – реакция ижобий бўлса, билим мустаҳкамланади, агар салбий бўлса, хотира уни ўчириб ташлайди.

Дидактика қоидалариға – “Оддийдан мураккабга”. “Умумийдан хусусийга ва яна хусусийдан умумийга”, “Фанлараро боғлиқлик” каби қоидалар киради.

Дидактика принцип(тамойил)лари. Кўп асрлик изланишлар ва баҳс-мунозаралар натижасида педагогикада қўйидаги ўкув жараёнини амалга ошириш принциплари ишлаб чиқилган:

Онглилик ва фаоллик – эгалланиши шарт бўлган билимларни талабалар онгли равища ва фаол қатнашиб эгаллашликларини англатади. Бунда, билимни онгли эгаллайман деганлар, ўзлари фаол фикр юритиб эгаллашлари кўзда тутилади. Фаол фикр юритиб билимнинг мазмунига кириб борса, уни онгли эгаллаган бўлади.

Кўргазмалик – “Юз маротаба эшитгандан бир маротаба кўрган яхши” тамойилидан келиб чиқиб, билимни беришда ва уни эгаллашда турли кўргазма қуроллардан фойдаланишни тушунмоқ лозим.

Тизимлилик ва мунтазамлик – талабаларга билимни маълум бир тизимда ва узлуксиз равища беришни ва бу билимни талабалар томонидан узлуксиз равища эгалланишини тақозо этади.

Мустаҳкамлик – билимни тушунарли тилда қайта ва қайта тикрорлаш йўли билан берилшини ифодалайди.

Тушунарлилик – билимни ҳаммага тушунарли ва ҳаммабоп қилиб узатиш ва бу билимни қабул қилиш жараёнини билдиради.

Илмийлик – билимни талабаларга аввалдан уларда мавжуд билимлардан келиб чиқкан ҳолда, давр талаблари янги нуқтаи назаридан ва мантиқий боғлиқликда бериш ҳисобланади.

Назария ва амалиёт бирлиги – талабаларга, назарий ўкув машгулоти жараёнида, билимни узатиб беришда бу билимларни амалиётда ишлашини кўрсатиб, амалий машғулотларни олиб боришида, назарий машғулотда берилган билимларни эслатиб, улардан келиб чиқкан ҳолда олиб боришликини тақозо этади.

Ўкув машғулотини лойиҳалашда дидактика қонун, қоида ва тамойиллари билан бир қаторда ёш психологияси ва психоанализ қоидалари хусусий методологик асос вазифани бажаради.

Ўкув жараёнида ёш психологиясини, эътиборга олиш лозим бўлган қоидалари қўйидагилар:

Таълим олувчининг феъл-атворини инобатга олиш қоидаси. Талабанинг феъл-атворини билиб, маълум вазиятда ўзини қандай тутишини ва унинг ҳатти – ҳаракатини аввалдан билиб олиб, уни тўғри йўналтириш лозимлигини эътиборга олиш.

Таълим олувчилар билан таълим берувчи орасидаги ёши, дунёқараши, маълумоти ва жинси орасидаги тафовутни ҳисобга олиш.

Таълим олувчилар рухиятидаги жараёнларни жадал суръатлар билан кечишими инобаттга олиш.

Таълим олувчиларда шаклланиб қолган ижтимоий нуқсонларни ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш ва уни ўкув машғулот лойиҳасини тузганда инобаттга олиш.

Таълим олувчининг ўз оиласида тутган ўрнини ўрганиб чиқиб, унга таълимий ва тарбиявий таъсир этиш жараённида буни инобаттга олиш.

Таълим олувчилар рухиятида доимо мустақилликка интилишини англаб, шунга яраша унга таълимий ва тарбиявий таъсир кўрсатишни кўзда тутиш.

Талабаларнинг жинсини ва жинсий тараққиётидаги жараёнларни англаб, шунга яраша уларга таъсир кўрсатишни аввалдан режалаштириш.

Ўкув жараённида ёш психологияси қонун қоидалари билан бир вақтда психоанализ фанининг қонун ва қоидаларига ҳам амал қилиш лозим. Уларнинг асосийлари қўйидагилар:

Инсон биопсихологик тараққиётига таъсир этувчи учта “У” деб номланган табиий кучларни шунингдек, кишини ўраб турган ва “Улар” деб номланган ижтимоий муҳит қучини ҳамда “Мен” деб аталувчи киши ирсий бирликлари ва ақли натижасида шаклланиб қолган кучларни эътиборга олиш. Учта табиий кучларнинг биринчиси, яшаш учун кураш асосида кечадиган, биологик эҳтиёжни қондириш максадида озиқ-овқат топишга вужудда ишлаб чиқладиган кувват; иккинчиси, ташки ҳавф-хатардан сақланиш учун вужудда ишлаб чиқладиган кувват; учинчиси, насл қолдириш учун танада ишлаб чиқладиган кувват. Бу кувватлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бирига бўлган эҳтиёж камайиши, бошка кувватларни кучайишига олиб келади.

Психоанализ фанининг асосчиси Зигмунд Фрейд қўйидаги фикрни башорат килган. Унинг фикрича, иктиносидий томондан ривожланган мамлакатларда озиқ-овқатни топишга ва ташки ҳавф-хатарни бартараф этишга вужудда доим бир микдорда ишлаб чиқадиган кувватни ишлатилиши камайиши натижасида, бу кувват насл қолдириш, яъни шаҳвоний кувватга айланиб, жамиятда,

инника ёшларда шаҳватга мойиллик ортиб боради. Ҳаётда бу фикр ўтасдигини топди. Талабалардаги бу мойилликни ҳисобга олиш мурур.

Кишининг хулқ – авторига кучли таъсир этувчи кучлардан яна бири бу ижтимоий муҳит кучи. Бу дегани, одамни ўраб турган онла, кўча-кўй, ўкув муассасаси ва умуман жамиятда ўрнатилган қонун ва қоидалар ҳамда урф ва одатлар йигиндининг таъсир кучидир. Тарбияланувчига булар кучли таъсир кўрсатади. Ўкув жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳа асосида ўкув машғулотини амалга оширишда бу кучларни эътиборга олмай бўлмайди.

Кишининг ҳатти –ҳаракатига таъсир этувчи кучлардан яна бири бу, кишининг ҳар бир хужайрасида мавжуд ирсий бирликлардаги ахборотлар билан ўзида йигилган билимлар ҳисобланади. Ўкув машғулотининг лойиҳасини тузища ва шу асосда ўкув машғулотини олиб бориша бу кучлар таъсири инобаттга олиниши шарт.

2.2. Педагогик технология тамойиллари

Педагогик технологиянинг миллий инновацион модели орқали ўкув машғулот лойиҳаси, қуйидаги ўзаро узвий боғлиқ бўлган тамойилларга асосланниб тузилади.

Биринчиси, ўкув машғулот лойиҳасини аввалдан тузиб олиш. Бунда, таълим – тарбия жараёни ҳажм ва мазмуни жиҳатидан иерархияга асосланган – “Энг катта”, “Катта”, “Ўрта” ва “Кичик” деган модулларга бўлинниб, бу модулларнинг олдига кўйилан таълимий ва тарбиявий мақсадлари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланиб, ҳар бир ўкув машғулоти ичидаги кичик модуллар орқали бериладиган билимлар орасидан таянч тушунчалар аниқланиб, бу билимларни талабаларга қайси машғулот типи орқали берилиши ва ҳар бир кичик модулларда қўлланиладиган педагогик усуслар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материалларнинг тури ҳамда қўлланиш жойлари кўрсатиб берилади.

Иккинчиси, мажму ёндашув тамойилини қўллаш. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳаларни амалиётда қўллашда, албатта, синергетиканинг “Мажму ёндашув” тамойилининг барча қонун-қоидаларига амал қилинади. Чунки педагогик технология мажмулар назариясидан келиб чиқиб яратилган.

Учинчиси, дидактиканинг қонун, қоида ва принципларига амал қилиш. Ўқув машғулотини лойиҳалашда ва шу лойиҳа бўйича таълим-тарбияни амалга оширишда, дидактиканинг барча принциплари ва қонун-коидаларидан келиб чиқлади.

Тўртингиси, ўқув машғулоти мажмунинг барча таркиби қисмларини ўзаро функционал боғлиқликда кўриш. Ўқув машғулотнинг лойиҳаси тузилганда, бу жараёнда иштирок этадиган барча элементларни – “Модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт”, “Билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар”, “Дарс тури ва типи”, “Педагогик услублар”, “Ахборот-коммуникация технологиялар” ва “Дидактик материаллар”нинг ўзаро узвий боғлиқликда кўрилади.

Бешинчиси, талабалар билимларни мустақил равишда эгаллашларига урғу бериш. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва уни амалда қўллашда, талабалар эгаллаши шарт бўлган билимларни, ўзлари мустақил равишда топишга ҳаракат қилинади.

Олтинчиси, талабалар билимларни англаб етишлари, хотирада сақлашлари ва амалда қўллай олишлари. Ўқув машғулот лойиҳасини тузишда ва тузилган лойиҳа асосида ўқув машғулотини амалга ошириш жараёнида, талабалар берилётган билимларнинг туб моҳиятини англашлари, хотирада сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликка эришилади.

Еттингиси, мақсадларнинг натижалари феъллар шаклида бўлиши. Ўқув машғулот лойиҳасини тузганда, муайян ўқув машғулотининг ҳар бир микро модулида талабаларнинг бажарадиган иш ҳаракатлари кўрсатилади.

Саккизинчиси, микро модуллар ичидан таянч тушунчаларни ажратиш. Кичик модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида талабалар билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун назорат саволлари тузилади ва назоратнинг тури белгиланади.

Тўққизинчиси, ўқув машғулотларининг якунида, талабаларнинг билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш. Муайян ўқув машғулоти учун қабул қилинган баҳолаш тури ва мезонларидан келиб чиқсан ҳолда, барча талабаларнинг билимларни эгаллаш даражаси аниқланади.

2.3. Методологик асосларга суюнган ҳолда ўқув машғулоти лойиҳасини яратиш методикаси

Ўқув фанининг умумий жадвалларини тузиш

Муайян фанининг ўқув машғулотлари лойиҳаларини яратиш учун биринчи навбатда, ушбу фан олдига қўйилган мақсадларни ифода этивчи, жадваллар тузилади, Бу иш куйидагича амалга оширилади.

Биринчи қилинадиган иш, фанинг ўқув дастурини қўлга олиб, уни юқори иерахия поғонадаги “Энг катта модул” деб қабул қилинади. Сунгра, фанинг олдига қўйилган умумий таълимий ва тарбиявий мақсадлари белгиланиб, жадвал шаклига келтирилади. Уни жадвал биринчи деб қўйилади. Фанинг умумий мақсадлари, шу фан учун ишлаб чиқилган таълим стандарти ва жамиятни фуқаролар ижтимоий сифатларига қўйган талабларига жавоб бериши шарт.

Ўқув фанининг умумий мақсадларини аниқлашда, юқорида кўрсатилган умумий ва хусусий методологик асосларга суюнилади. Бу жараён куйидагича амалга оширилади.

Биринчидан, юқорида қайд қилинган, давлат ва жамиятнинг таълим тизимига қўйган талабларини ҳамда диалектика ва мажму ёндашув тамойилининг қонун ва коидаларини, қоғозга йирик ҳарфлар билан тушириб, тепасига умумий методологик асос деб ёзиб қўйилади.

Иккинчидан, дидактика қонун, қоида ва принципларини ҳамда ёш психологияси ва психоанализ коидаларини ҳамда педагогик технология тамойилларини иккинчи бир қоғозга тушуриб қўйилади.

Ўқув машғулот лойиҳасини тузиишда, бу икки қоғозни олдимизга тик қилиб қўйиб, ўқув фанининг умумий мақсадларини шакллантиришда, биринчи қоғозга қараб туриб, қўйилаётган бу мақсад давлат ва жамият педагоглар олдига қўйган талабларига жавоб берадими ва бу мақсад дидактика билан мажму ёндашув тамойилининг қонун ва коидаларидан келиб чиқадими? Шуни аниқлаш керак. Шунингдек иккинчи қоғозга қараб туриб, қўйилаётган мақсад дидактика қонун, қоида ва принципларидан келиб чиқиб, ёш психологияси ва психоанализ коидаларига жавоб берадими?, деган саволларни қўйиб туриб, шакллантирилаётган мақсадларни, уларга мослаштирилади.

Иккинчи қилинадиган иш, шу фан, яъни энг катта модул ичидаги билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрни тугалланганлигидан келиб чиқиб, ўқув материалини катта бўлакларга

бўлиб чиқилади ва уларнинг “Катта модул” деб номланади. Шундан сўнг, ҳар бир катта модулнинг мақсадлари белгиланади, уларга ажратилган соатларни кўрсатиб, жадвал шаклига келтирилади. Уни жадвал иккинчи деб қўйилади. Катта модуллар мақсадлари энг катта модулдаги мақсадлардан келиб чиқиб, уларга мос тушиши шарт. Ҳар бир катта модулларга ажратилган соатлар йифиндиси, шу фанга берилган соатларнинг умумий сонига тенг бўлиши керак. Катта модулларнинг мақсадларини шакллантиришда ҳам, юкорида айтилгандек, умумий ва хусусий методологик асослар тушурилган қоғозларга қараб ва улардан келиб чиқиб, мақсадлар белгиланади.

Учинчи қилинадиган иш, ҳар бир катта модул ичидан мантиқан боғлиқ бўлган, шу билан баробар, ҳажм жиҳатидан бир жуфт соатлик ўкув машғулоти орқали талабаларга етказилиши лозим бўлган билимлар ажратилади ва уларга “Ўрта модул” деб ном берилиб, уларнинг ҳам таълимий ва тарбиявий мақсадлари кўрсатилади ва жадвал шаклига келтирилади. Уни жадвал учинчи деб қўйилади. Ҳар бир ўрта модулнинг мақсадларини белгилашда, юкоридагидек умумий ва хусусий методологиялар ёзилган қоғоздан кўзни узмай туриб, бу иш бажарилади.

Иккинчи навбатда, ҳар бир жуфт соатлик ўкув машғулотининг, яни ўрта модулнинг хусусий жадваллари тузилади. Бу иш қуидагича амалга оширилади.

Биринчи қилинадиган иш, бир жуфт соатлик ўкув машғулоти, яни ўрта модулни, ундаги бериладиган билимларнинг мантиқий боғлиқлиги ва фикрни тугаланганигини инобатга олиб, бир неча “Кичик” модулларга бўлинади. Сўнг, юкорида қўйилган умумий мақсадлардан келиб чиқиб, ҳар бир микро модул олдига қўйилган хусусий таълимий ва тарбиявий мақсадлари белгиланади ва ҳар бир кичик модулга ажратиладиган вақт кўрсатилади. Шундан сўнг, шу кичик модул якунида талабалар бажариши шарт бўлган иш харакатлар аниқланади. Иш ҳаракатларни белгилашда, педагогик технология тамойилларидан фойдаланилади.

Иккинчи қилинадиган иш, ҳар бир ўрта модуллар орқали бериладиган билимлар ичидан таянч тушунчаларни ажратиб, улар асосида талабалар билим ва кўнимкамаларини баҳолаш учун назорат саволлари тузилади ва баҳолашнинг тури ва мезонлари аниқланади. Бунда дидактиканинг конун ва қоидаларидан келиб чиқилади.

Учинчи қилинадиган иш, ўкув машғулотининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган машғулотнинг тури ва типи белгилаб

чиқади. Ўқув машғулотининг тури ва типини қўлланманинг илова 1 тиби олиниади.

Тўртинчи қилинадиган иш, ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар кўрсатилади.

Бешинчи қилинадиган иш, муайян ўкув муассасасида мавжуд ахборот-коммуникация технологиялардан келиб чиқиб, ҳар бир кичик модулдаги ўкув машғулотини амалга оширишда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўрсатилади.

Учинчи навбатда, ушбу ўкув машғулоти лойиҳасини тузишнинг хусусий жадвалларида кўрсатилган тартиб бўйича, ўкув машғулоти жараёнини амалга оширишнинг сценарийси ёзилади. Унда ҳар бир ўрта модулда бериладиган билимлар бирма-бир ифодаланиб, уларни тъилим олувчиларга етказишида қўлланиладиган дарс типи, педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технология ва дидактик материаллар кўрсатилади.

Сценарий матнини ёзишида юкоридаги иккита қоғозга ёзилган конун ва қоидаларга амал қилинади.

Матнда, семиз ва курсив ҳарфлар билан ажратилган жойлари талабалар ёзиб олишлари учун тавсия қилинади.

Сценарий педагог ва талаба диалоги майлида амалга оширилади.

Кўйида, олий таълимнинг бакалавр босқичида ўтиладиган “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўкув фанини мазмуни ва битта назарий ўкув машғулотининг умумий, хусусий жадваллари билан машғулотнинг сценарийси, **мисол тариқасида**, келтирилган бўлиб, булардан фанларни ўқитиши методикаси таълим йўналишларида киритилган ўкув жараёнини лойиҳалаш фанларининг фан дастури, ўкув адабиётларини яратишида методологик асос сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

III. “(МАТЕМАТИКА) ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ” ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Намуна

БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛЬ

1. Ўқитиши жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни, илмий асосланган таърифи

Биринчи ўрта модул – назарий машғулот

1.1. МАВЗУ: Ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ва педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифи

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

“(Математика) ўқитиши методикаси” таълим йўналишларининг янгиланган классификаторга киритилишининг зарурлиги. Фанлар ўқув жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти. Педагогик технология моҳияти ва истиқболлари. Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи шахс. Ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг ижтимоий зарурияти ва ўқув жараёнини лойиҳалаш асоси бўлган педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишининг долзарблиги ҳамда унга юклатилган вазифалар. Таълим технологиясининг шаклланиш босқичлари ва самарали жорий этиш йўллари. Жаҳондаги дидактик тизимлар ва уларнинг шархи. Я.А.Коменский ва И.Г.Пестолоций дидактик тизимларидаги асосий ғоялар, уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонлари. АҚШ олимлари илгари сурган “Янги дидактика”нинг асосий ғоялари ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш зарурлигининг шарт-шароитлари ва педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифи.

1 Кичик модул

1.1.1. Талабалар билан танишиш ва уларни мазкур ўқув предметини ўрганиш жараёнидаги амал қилишлари лозим бўлган тартиб ва қоидалар билан таништириб, конспект дафтарларининг биринчи бетига ёздириб қўйиш.

2 Кичик модул

1.1.2. Ўқув жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти.

3 Кичик модул

1.1.3. Я.А.Коменский ва И.Г.Пестолоцийларнинг дидактик тизимларидаги асосий ғоялар, уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонлари.

4 Кичик модул

1.1.4. АҚШ олимлари илгари сурган “Янги дидактика”нинг асосий ғоялари ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш зарурлигининг шарт-шароитлари ва педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлган “(Математик) ўқув жараёнини лойиҳалаш” фанига юклатилган вазифалар.

5 Кичик модул

1.1.5. Педагогик технологияга шу кунгача берилган таърифлар асосида тузилган илмий асосланган таърифи ва уларда ўқув жараёнини лойиҳалаш асос эканлиги.

6 Кичик модул

1.1.6. Ўқув машғулотига хулоса ясад, талабаларнинг билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва уйда мустақил таълим жараёнидаги бажариладиган ишларни белгилаб бериш.

Иккинчи ўрта модул – амалий машғулот

1.2. МАВЗУ: Жаҳондаги дидактик тизимларнинг асосийларини қисқача таҳлили ва таълим жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ҳамда педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифи

1 Кичик модул

1.2.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, аввалги ўқув машғулотда мустақил таълим учун берилган вазифаларни текшириш йўли билан, талабалар томонидан эгалланган билимларни эслаб туриб мустаҳкамлаш.

2 Кичик модул

1.2.2. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанининг мақсади ва предмети ва фанлар ўқув жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти.

3 Кичик модул

1.2.3. Я.А.Коменский ва И.Г.Пестолоцийларнинг дидактик тизимларидаги асосий ғоялар, уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонлари.

4 Кичик модул

1.2.4. Америка олимлари яратган “Янги дидактика”нинг асосий ғоялари ва таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ва педагогик технологиянинг олдига қўйилган вазифалар.

5 Кичик модул

1.2.5. Педагогик технологияга шу кунгача берилган таърифлар асосида тузилган илмий асосланган таърифи ва уларда ўкув жараёнини лойиҳалаш асос эканлиги.

6 Кичик модул

1.2.6. Амалий машғулотни хulosалаб, талабалар эгаллаган билимларни кўнкималарига айлантирганлик даражасини баҳолаш

ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛ

2. Педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган ўқитиши жараёнини лойиҳалашнинг методологик асослари

Биринчи ўрта модул – назарий машғулот

2.1. МАВЗУ: Атроф олам унсурларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолдаги система сифатида идрок қилиш ва умум системалар назарияси хамда таълим-тарбия жараёнини

система сифатида кўриш

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Таълимими модернизация қилиш масаласининг долзарблиги ва педагогик технология тоғасининг вужудга келиши хамда квантлар назарияси ва синергетика; атроф олам унсурларига система сифатида ёндашиш ва умум системалар назарияси ва системали ёндашув тамойили; таълим-тарбия соҳасида системали ёндашув.

1 Кичик модул

2.1.1. Ўкув жараёнини ташкил қилиш ва аввалги машғулотларда эгалланган билимларни эслаш хамда янги “2 Катта модул” бошланганигини эълон қилиш.

2 Кичик модул

2.1.1. Квант назарияси ва синергетика, - унинг таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамияти.

3 Кичик модул

2.1.3. Атроф олам элементларига система сифатида ёндашиш ва умум системалар назарияси.

4 Кичик модул

2.1.4. Таълим-тарбия жараёнида системали ёндашув.

5 Кичик модул

2.1.5. Ўкув машғулотига якун ясад, талабалар билимларини эгаллаганлик даражасини аниклаш ва мустақил таълим саволларини белгилаш.

Иккинчи ўрта модул – назарий машғулот

2.2. МАВЗУ: Таълим – тарбия соҳасида системали ёндашув тамойилини қўллаш

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Таълим-тарбия жараёнини бир бутунлик, яъни ийрик бир система сифатида идрок қилиб, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмларини аниклаш. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанини катта система, яъни катта модул сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмларини катта модул (система) деб идрок қилиш. Ҳар бир катта модул ичидан бир жуфт соатлик машғулот – ўрта модулларни ажратиш. Ҳар бир ўрта модуллар ичидаги кичик модулларни ажратиш. Ўкув жараёнини бирламчи асоси бўлган “Ўкув машғулоти”ни система сифатида англаш.

1 Кичик модул

2.2.1. Ўкув машғулотини ташкил қилиш ва аввалги машғулотда мустақил таълим учун берилган саволлар ечимини текшириш орқали ўтган машғулотда эгалланган билимларни эслаш.

2 Кичик модул

2.2.2. Таълим-тарбия жараёнини бир бутунлик, яъни ийрик бир система сифатида идрок қилиб, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмларини аниклаш.

3 Кичик модул

2.2.3. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанини катта система, яъни катта модул сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал боғлиқликда бўлган қисмларини катта модул (система) деб идрок қилиш.

4 Кичик модул

2.2.4. Ҳар бир катта модул ичидан бир жуфт соатлик машғулот – ўрта модулларни ажратиш.

5 Кичик модул

2.2.5. Ҳар бир ўрта модуллар ичидаги кичик модулларни ажратиш.

6 Кичик модул

2.2.6. Ўкув жараёнини бирламчи асоси бўлган “(Математика) ўкув машғулоти”ни система сифатида англаш.

7 Кичик модул

2.2.7. Ўкув машғулотига якун ясад, талабаларнинг билимларни эгаллаганлик даражасини баҳолаш ва мустақил таълимнинг вазифаларини белгилаш.

Учинчи ўрта модул – амалий машғулот

2.3. МАВЗУ: Педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлган ўқитиши жараёнини лойиҳалашнинг

методологик асослари

1 Кичик модул

2.3.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги икки ўқув машғулотида эгалланган билимларни савол-жавоб орқали эслаш.

2 Кичик модул

2.3.2. Таълим-тарбия жараёнига система ёндашув тамоилини кўллаш.

3 Кичик модул

2.3.3. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанини модулларга ажратишда система ёндашув тамоилидан фойдаланиш.

4 Кичик модул

2.3.4. Ўқув жараёнини бирламчи асоси бўлган битта ўқув машғулотини система сифатида англаш.

5 Кичик модул

2.3.5. Амалий машғулотга якун ясаб, талабалар билими ва кўникумларини кўрсатувчи рейтинг балларини чиқариш.

УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛ

3. Педагогик технология ва унинг тамоиллари асосида ўқув жараёнини лойиҳалашнинг назарий асослари

Биринчи ўрта модул – назарий машғулот

3.1. МАВЗУ: Ўқитувчилик соҳасида фаолият қўрсатаётган педагогиканинг фаолият турлари, уларнинг обьектлари, предметлари, мақсадлари ва бажарадиган вазифалари

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Педагогика илмининг тадқиқод обьекти, предмети, мақсади ва ечилиши шарт бўлган масалалари. Ўқитувчилик соҳасида фаолият қўрсатаётган педагогиканинг фаолият турлари, “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фани обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари. Фанлар ўқув машғулотларини лойиҳаларини тузища педагог-ўқитувчиларнинг вазифалари.

1 Кичик модул

3.1.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш, янги “3 Катта модул”ни бошланғанлигини эълон қилиш ва ҳар қандай фаолиятнинг

пўналтирган обьекти, предмети, мақсади ва бажарилиши шарт бўлган масалалари бўлишлигини тушунтириш.

2 Кичик модул

3.1.2. Педагогика илмининг тадқиқод обьекти, предмети, мақсади ва ечилиши шарт бўлган масалалари.

3 Кичик модул

3.1.3. Ўқитувчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган педагогиканинг фаолият турлари.

4 Кичик модул

3.1.4. Фанлар ўқув машғулотларни лойиҳаларини тузища педагог-ўқитувчиларнинг вазифалари.

5 Кичик модул

3.1.5. Ўқув машғулотига якун ясаб, талабаларнинг билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва мустақил таълим саволларини бериш.

Иккинчи ўрта модул – – назарий машғулот

“(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанининг тадқиқод обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари

Педагогик технология илмининг тадқиқод обьекти ва предмети. Педагогик технология илмининг тадқиқод ўтказишдан мақсади ва ечиши шарт бўлган масалалари. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўқув фанининг фаолият обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари.

1 Кичик модул

3.2.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш ва талабалардан аввалги машғулотда мустақил таълим учун берилган саволларга жавоб олиш.

2 Кичик модул

3.2.2. Педагогик технология илмининг тадқиқод обьекти ва предмети.

3 Кичик модул

3.2.3. Педагогик технология фани илмининг тадқиқод ўтказишдан мақсади ва ечиши шарт бўлган масалалари.

4 Кичик модул

3.2.4. Педагогик технологиянинг таркибий қисми бўлган “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанининг обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари.

3.2.5. Ўқув машғулотига якун ясаб, талабалар мустақил таълими учун саволларни бериш.

Учинчи ўрта модул – амалий машғулот

3.3. МАВЗУ: “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанининг тадқиқод обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари

1 Кичик модул

3.3.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги ўқув машғулотида мустақил таълим учун берилган саволларга жавоблар олиш орқали ўтган ўқув машғулотида эгалланган билимларни эслаш.

2 Кичик модул

3.3.2. “Педагогик технология” илмининг тадқиқод обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари.

3 Кичик модул

3.3.3. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” фанининг обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари.

4 Кичик модул

3.3.4. Амалий машғулотга яқун ясаб, талабалар билимларни эгаллаб кўнимкамларига айлантирганлик даражасини кўрсатувчи рейтинг балларини аниқлаш.

Тўртинчи ўрта модул – назарий машғулот

3.4. МАВЗУ: Ўқув жараёнини лойиҳалашга асоси бўлган педагогик технология тамоиллари

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Ўқув ва амалий машғулотларни лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда доимо системалар назариясининг қоидаларига амал қилиш тамоилларидан фойдаланиш. Хусусан, “(Математика) ўқитиши методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумига кирувчи фанларнинг назарий ва амалий машғулотларининг лойиҳасини тузишида ва улардан амалиётда фойдаланишда дидактиканинг қонунлари, принциплари ва қоидаларига амал қилиш; назарий ва амалий машғулотлар жараённида иштирок этувчи барча унсурларни ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриш; математика ўқув жараёнини лойиҳалашда ва ундан амалиётда фойдаланишда талабаларнинг билимларини мустақил топишларига ургу бериш.

1 Кичик модул

3.4.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, янги мавзуни эълон қилиш ва унинг моҳиятини тушунтириш.

2 Кичик модул

3.4.2. Назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда доимо системалар назариясининг қоидаларига амал қилиш тамоилли.

3 Кичик модул

3.4.3. “(Математика) ўқитиши методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумига кирувчи фанлар назарий ва амалий машғулотларини лойиҳасини тузишида ва улардан амалиётда фойдаланишда дидактиканинг қонунлари, принциплари ва қоидаларига амал қилиш тамоилли.

4 Кичик модул

3.4.4. Назарий ва амалий машғулотлар жараённида иштирок этувчи барча унсурларни ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриш тамоилли.

5 Кичик модул

3.4.5. Ўқув жараёнини лойиҳалашда ва ундан амалиётда фойдаланишда талабалар билимларни мустақил топишларига ургу бериш тамоилли.

6 Кичик модул

3.4.6. Ўқув машғулотига яқун ясаб, талабалар мустақил таълими учун вазифаларни бериш.

Бешинчи ўрта модул – амалий машғулот

3.5 МАВЗУ: Ўқув жараёнини лойиҳалаш асоси бўлган педагогик технология тамоилларини амалда синаш

1 Кичик модул

3.5.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, аввалги назарий машғулотда мустақил таълим учун берилган вазифаларни текшириш орқали, ўқув машғулотида эгалланган билимларни эслаш орқали уларни мустаҳкамлаш.

2 Кичик модул

3.5.2. Назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда системалар назариясининг қоидаларига риоя қилиш.

3 Кичик модул

3.5.3. Ўқув ва амалий машғулотларнинг лойиҳасини тузишида ва улардан амалиётда фойдаланганда дидактиканинг қонунлари, принциплари ва қоидаларига амал қилиш.

4 Кичик модул

3.5.4. Ўқув ва амалий машғулотлар жараённида иштирок этувчи барча унсурларни ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриш.

5 Кичик модул

3.5.5. Ўқув машғулотлари лойиҳасини тузища ва улардан амалиётда фойдаланишда талабаларнинг билимларни мустақил топишларига ургу бериш.

6 Кичик модул

3.5.6. Амалий машғулотни якунлаб, талабаларнинг билимларни кўнимкамларига айлантирганлик даражасини баҳолаш.

Олтинчи ўрта модул – назарий машғулот

3.6. МАВЗУ: Ўқув жараёнини лойиҳалаш асоси бўлган педагогик технология тамоиллари

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Талабаларнинг билимларни эгаллашлари, хотирасида сақлашлари ва амалда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш тамоили. Машғулотларнинг якуни феъллар шаклида бўлишилик тамоили. Ҳар бир машғулот учун баҳолаш тури ва мезонларини белгилаб, машғулотлар якунида талабалар билимларни эгаллаганлик ва кўнимкамларига айлантирганлик даражасини баҳолаш тамоили.

1 Кичик модул

3.6.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, авалги ўқув машғулотида талабаларга мустақил таълим учун берилган саволларга жавоб олиш.

2 Кичик модул

3.6.2. Талабаларнинг билимларни эгаллашлари, хотирасида сақлашлари ва амалда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш тамоили.

3 Кичик модул

3.6.3. Машғулотларнинг якуни феъллар шаклида бўлишилик тамоили.

4 Кичик модул

3.6.4. Ҳар бир машғулот учун баҳолаш тур ва мезонларини белгилаб, машғулотлар якунида талабалар билимларни эгаллаганлик ва кўниммаларга айлантирганлик даражасини баҳолаш тамоили.

5 Кичик модул

3.6.5. Ўқув машғулотига якун ясад, мустақил таълим учун педагогик технологиянинг етти тамоилини чукур ўрганиб келишиларини айтиш.

Еттинчи ўрта модул –амалий машғулот

3.7. МАВЗУ: Ўқув жараёнини лойиҳалаш асоси бўлган педагогик технология тамоиллари

1 Кичик модул

3.7.1. Амалий машғулотни ташкил қилиб, талабалардан аввалги ўқув машғулотида мустақил таълим учун берилган вазифаларни бажарилишини текшириш йўли билан эгалланган билимларни эслаш.

2 Кичик модул

3.7.2. Ўқув жараёнини лойиҳалашда ва улардан амалиётда фойдаланишда талабаларнинг билимларни эгаллашлари, хотирасида сақлашлари ва амалда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб бориш.

3 Кичик модул

3.7.3. Ҳар бир машғулот якуни феъллар шаклида бўлиши.

4 Кичик модул

3.7.4. Ҳар бир машғулот учун баҳолаш тур ва мезонларини белгилаб, машғулотлар якунида талабалар билимларни эгаллаганлик ва уларни кўниммасига айлантирганлик даражасини баҳолаш.

5 Кичик модул

3.7.5. Амалий машғулотни якунлаб, талабаларнинг билимларни эгаллаганлик ва уларни кўнимкамларига айлантириб ултурганлик даражасини баҳолаш.

Саккизинчи ўрта модул – назарий машғулот

3.8. МАВЗУ: Педагогик технология тамоиллари асосида ўқув машғулотларни лойиҳалашда амалга ошириладиган вазифалар

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Ўқув фанини бир бутун – “Энг катта модул” деб қабул қилиб, ундаги ўқув материалини ҳажми ва мазмунини тугалланганлигидан келиб чиқиб, “Катта”, “Ўрта” ва “Кичик” модулларга ажратиш ва уларнинг максадларини белгилаш. Ҳар бир кичик модул ичидан таянч тушунчаларни аниқлаб, улар асосида назорат саволларини тузиш ва талабаларнинг билим ва кўнимкамларини баҳолаш тури ва мезонларини белгилаш. Ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган дарс турни ва типини ҳамда бу модуллар орқали берилиши режалаштирилган билимларни эгаллашда қўлланиладиган педагогик услубларни белгилаш. Ҳар бир кичик модулда қўлланиши зарур бўлган ахборот технология турлари ва дидактик материалларни

кўлланиш жойларини белгилаб қўйиш. Ўқув машғулотини сценарийсини ёзиш.

1 Кичик модул

3.8.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиб, уни лойиҳасини тузиш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган педагогик технология коидалари ва дидактиканинг қонун, принцип ва коидаларини эслаш.

2 Кичик модул

3.8.2. Ўқув фанини бир бутун – “Энг катта модул” деб қабул қилиб, ундаги ўқув материалини ҳажми ва мазмунини тугалланганидан келиб чиқиб, “Катта”, “Ўрта” ва “Кичик” модулларга ажратиш ва уларнинг мақсадларини белгилаш.

3 Кичик модул

3.8.3. Ҳар бир кичик модул ичидан таянч тушунчаларни аниклаб, улар асосида назорат саволларини тузиш ва талабаларнинг билим ва қўнималарини баҳолаш тури ва мезонларини белгилаш.

4 Кичик модул

3.8.4. Ҳар бир кичик модулда кўлланиладиган дарс тури ва типини ҳамда бу модуллар орқали берилиши режалаштирилган билимларни эгаллашда кўлланиладиган педагогик услубларни белгилаш.

5 Кичик модул

3.8.5. Ҳар бир кичик модулда кўлланиши зарур бўлган ахборот технология турлари ва дидактик материалларни кўлланиш жойларини белгилаб қўйиш.

6 Кичик модул

3.8.6. Ўқув машғулотини сценарийсини ёзиш.

7 Кичик модул

3.8.7. Ўқув машғулотини якунлаб, мустақил таълим жараёнида бажариладиган ишларни белгилаш.

Тўққизинчи ўрта модул – амалий машғулот

3.9. МАВЗУ: Педагогик технология тамоийллари асосида ўқув ва амалий машғулотларни лойихалашда амалга ошириладиган вазифалар

1 Кичик модул

3.9.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги ўқув машғулоти якунида талабаларнинг мустақил таълими учун берилган

вазифаларни текшириш йўли билан, ўша машғулотда эгалланган билимларни эслаш.

2 Кичик модул

3.9.2. Ўқув фанини бир бутун – “Энг катта модул” сифатида қабул қилиб, ундаги ўқув материалини “Катта”, “Ўрта” ва “Кичик” модулларга ажратиш ва уларнинг мақсадларини белгилаш.

3 Кичик модул

3.9.3. Ҳар бир кичик модул ичидан таянч тушунчаларни аниклаб, улар асосида назорат саволларини тузиш ва талабалар билим ва қўнималарини баҳолаш тури ва мезонларини белгилаш.

4 Кичик модул

3.9.4. Ҳар бир кичик модулда кўлланиладиган дарс тури ва типини ҳамда шу модулларда кўлланиладиган педагогик услубларни белгилаш.

5 Кичик модул

3.9.5. Ҳар бир кичик модулда кўлланиши зарур бўлган ахборот технология турлари ва дидактик материалларни кўлланиш жойларини белгилаш.

6 Кичик модул

3.9.6. Ўқув машғулотини сценарийсини ёзиш.

7 Кичик модул

3.9.7. Амалий машғулотнинг якунлаш ва талабаларнинг билим ва қўнималарини баҳолаш.

ТЎРТИНЧИ КАТТА МОДУЛ

4. Фанлар ўқув машғулотларини лойихалаш

Биринчи ўрта модул – назарий машгулом

4.1. МАВЗУ: Ўқув материалини иерархиялик модулларга ажратиб, уларнинг мақсадларини белгилаш

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар Ўқув материалини модулларга ажратишида системани ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик ва иерархиялик коидасига амал килиш. Ўқув материалини модулларга ажратишида дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципидан келиб чиқиши. Модулларнинг мақсадларини белгилашда системаси ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик, коидаси ва дидактиканинг таълимнинг ҳаёт билан боғланиш, онглилик ва фаоллик ҳамда тушунарлилик принципларидан келиб чиқиши.

1 Кичик модул

4.1.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш ва 2.1.3., 2.2 ва 3.6 модуллардаги билимларни, талабалар билан савол жавоб орқали, эслаш.

2 Кичик модул

4.1.2. Ўқув материалини модулларга ажратишда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик ва иерархиялик қоидасига амал қилиш.

3 Кичик модул

4.1.3. Ўқув материалини модулларга ажратишда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципидан келиб чиқиш.

4 Кичик модул

4.1.4. Модулларнинг мақсадларини белгилашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик, қоидаси ва дидактиканинг таълимнинг ҳаёт билан боғланиш, онглилик ва фаоллик ҳамда тушунарлилик принципидан келиб чиқиш.

5 Кичик модул

4.1.5. Ўқув машғулотига якун ясаб, талабаларга мустақил таълим саволларини бериш.

Иккинчи ўрта модул – амалий машғулот

4.2. МАВЗУ: Ўқув материалини иерархиялик модулларга ажратиб, уларнинг мақсадларини белгилаш

1 Кичик модул

4.2.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва ўтган ўқув машғулоти давомида эгалланган билимларни эслаш.

2 Кичик модул

4.2.2. Ўқув машғулоти лойиҳасини тузатган фанни бир бутун система деб ҳисоблаб, унинг ичидан катта, ўрта ва кичик модулларни ажратишда системали ёндашувнинг ўзаро узвийлик ва иерархиялик қоидасига амал қилиш.

3 Кичик модул

4.2.3. Фан ўқув материалини модулларга ажратишда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципидан келиб чиқиш.

4 Кичик модул

4.2.4. Ҳар бир модулнинг мақсадларини аниқлашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик ва дидактиканинг илмийлик,

тизимлилик ва изчиллик ҳамда онглилик ва фаоллик шунингдек тушунарлилик принципидан келиб чиқиш.

5 Кичик модул

4.2.5. Амалий машғулотга якун ясаб, талабаларнинг билимларни эгалланганлик даражасини аниқлаш ва рейтинг баҳоларини чиқариш.

Учинчи ўрта модул – назарий машғулот

4.3. МАВЗУ: Ҳар бир кичик модулнинг ўқув материали ичидан таянч тушунчаларни белгилаш ва улар асосида назорат саволларини тузиш ҳамда талабаларнинг билим ва қўникмаларини баҳолаш тури ва мезонларини аниқлаш

Ушбу ўрта модулда ечиладиган масалалар

Ҳар бир кичик модулдаги ўқув материаллардан таянч тушунчаларни ажратишда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидасига ва дидактиканинг таълимнинг ҳаёт билан боғланиши, онглилик ва фаоллик ҳамда тушунарлилик принципидан келиб чиқиш. Таянч тушунчалар асосида назорат саволларини тузишда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик ва дидактиканинг таълимнинг ҳаёт билан боғланиши ҳамда онглилик ва фаоллик принципидан келиб чиқиш. Талабаларнинг билим ва қўникмаларини баҳолаш тури ва мезонларини аниқлашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ва дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципидан келиб чиқиш.

1 Кичик модул

4.3.1. Ўқув машғулотини ташкил қилиш ва 3.4.2. модулдаги билимларни эслаш.

2 Кичик модул

4.3.2. Ҳар бир кичик модулдан таянч тушунчаларни ажратишда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидасига ва дидактиканинг таълимнинг ҳаёт билан боғланиши, онглилик ва фаоллик ҳамда тушунарлилик принципидан келиб чиқиш.

3 Кичик модул

4.3.3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволларини тузишда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик ва дидактиканинг таълимнинг ҳаёт билан боғланиши ҳамда онглилик ва фаоллик принципидан келиб чиқиш.

4 Кичик модул – лаборатория машғулоти

4.3.4. Талабаларнинг билим ва кўнгилмаларини баҳолаш тури ва мезонларини аниқлашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ва дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципидан келиб чиқиш.

5 Кичик модул

4.3.5. Ўқув машғулотига якун ясаб, талабаларнинг билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва мустақил таълим учун саолларни бериш.

Тўртинчи ўрта модул – амалий машғулот

4.4. МАВЗУ: Ҳар бир кичик модул ичидан таянч тушунчаларни аниқлаш, улар асосида назорат саволларини тузиш ва дарс тури, типини, педагогик услубларни ҳамда ахборот технология ва дидактик материалларни белгилаш

1 Кичик модул

4.4.1. Амалий машғулотни ташкил қилиш ва аввалги ўқув машғулотида эгалланган билимларни эслаш.

2 Кичик модул

4.4.2. Ҳар бир кичик модул ичидаги таянч тушунчаларни белгилашда системали ёндашув тамойилининг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ва дидактиканинг таълим–тарбиянинг ҳаёт билан боғланиши ҳамда онглилик ва фаоллик принципидан келиб чиқиш.

3 Кичик модул

4.4.3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволларини тузишда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ва дидактиканинг таълим–тарбиянинг ҳаёт билан боғланиши ҳамда онглилик ва фаоллик принципидан келиб чиқиш.

4 Кичик модул

4.4.4. Талабаларнинг билим ва кўнгилмаларини баҳолаш тури ва мезонларини белгилашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ва дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципидан келиб чиқиш.

5 Кичик модул

4.4.5. Кичик модуллардаги билимларни эгаллаш учун қўлланиладиган дарс тури ва типини аниқлашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ва дидактиканинг

тавлими-тарбиянинг ҳаёт билан боғланиши, ҳамда онглилик ва фаоллик принципидан келиб чиқиш.

6 Кичик модул

4.4.6. Кичик модуллардаги билимларни эгаллашда қўлланиладиган педагогик услубларни белгилашда системали ёндашувнинг ўзаро узвий боғлиқлик қоидаси ҳамда дидактиканинг онглилик ва фаоллик ва кўрсатмалилик принципидан келиб чиқиш.

7 Кичик модул

4.4.7. Амалий машғулотни якунлаб, талабалар эгаллаган билимларини кўнгилмаларига айлантириб ултурганлик даражасини баҳолаш.

БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛ

Лаборатория машғулотлари

Биринчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Ўқитиши жараёнини лойихалаш” фани ўқув ва амалий машғулотларнинг сценарийсини ёзиш

Ўқув ёки амалий машғулотнинг асосий қисмидаги билимларни талабалар томонидан эгаллашларини ташкил қилиш сценарийсини ёзишда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик ва изчиллик, онглилик ва фаоллик, таълимнинг ҳаёт билан боғланиши ва тушунарлилик принципидан келиб чиқиш. Ўқув ёки амалий машғулотнинг асосий қисмининг кичик модулидаги билимларни талабалар томонидан эгаллашларини ташкил қилиш сценарийсини ёзишда дидактиканинг барча принципидан келиб чиқиш. Ўқув ёки амалий машғулотнинг якуний қисмининг сценарийсини ёзишда системали ёндашувнинг барча қоидалари ва дидактиканинг барча принциплари ва қоидаларидан келиб чиқиш.

Иккинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Математика ўқитиши методикаси” фани ўқув машғулотлари лойихаларини тузиш

Учинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Математик анализ” фани ўқув машғулотлари лойихаларини тузиш

Тўртинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Алгебра ва сонлар назарияси” фани ўқув машғулотлари лойихаларини тузиш

Бешинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Геометрия” фани үкув машғулотлари лойиҳаларини тузиш

Олтинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Эхтимоллар назарияси ва математик статистика” фани ўқынуштың машиғулотлари лойиҳаларини тузиш

Еттинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

Саккизинчи ўрта модул – лаборатория машғулоти

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўкув машғулотлари лойиҳаларини тузиш.

*Изох. Иккинчи-саккизинчи ўрта модуллар: лаборатория машгүлотлари
“Математика ўқитиши методикаси” таълим йўналишларидағи мутахассислик
фанлари мисолида келтирилди.*

IV. ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

4.1. “(Математика) ўқитиши жараёнини лойихалаш” ўқув фани назарий ва амалий машғұлолтлари лойихалари

Муайян ёки бошка исталган ўкув предметининг назарий ва амалий машғулотлар лойиҳаларини тузиш учун, мазкур услубий тавсияномада кўрсатилган алгоритм бўйича уч турдаги вазифалар бажарилиши шарт бўлиб, бу вазифаларни куйидагича амалга оширидик:

Биринчи вазиға. “(Математика) ўқитиши жараёнини дойихалаш” ўкув фанининг умумий жадвалларини тузиш. Бунинг учун:

Биринчи навбатда, “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фанини ўзаро узвий боғлиқ қисмлардан ташкил топган яхлитлик сифатида тасаввур этиб, уни “Энг катта” модул (энг юқори иерархия погона) деб қабул қилинди ва шу ўкув предметининг умумий максади белгиланди (**1-жавдвал**).

Иккинчи навбатда, ўқув фани ичидаги билимларнинг мантикий боғликлиги ва фикрнинг тугалланганлигини инобатга олиб, унинг ичидаги ўқув материалини бир неча "Катта" модуллар (юкори иерархия пофона)га ажратилди ва уларнинг ҳам мақсадлари аникланди (**2-жадвал**).

Учинчи навбатда, ҳар бир "Катта" модул ичидан мантиқан боғланған, шу билан биргаликда бир жуфт соатда талабаларга етказилиши лозим бўлган билимлар мажмуларини "Ўрта" (ўрта иерархия поғона) модулларини ажратиб, уларнинг хам мақсадлари белгиланди (**3-жадвал**).

Куйида уларнинг жадваллари келтирилган

“(Математика) ўқитиши жараёнини лойихалаш” ўкув предмети машғулотлари лойихаларининг умумий жадваллари

“(Математика) ўқитиши жараёнини лойихалаш” ўкув фани –
энг катта модулнинг умумий мақсади

Ўқитиш методикаси бўйича педагогик фаолиятни ўзига касб қилганларни узлусиз таълим тизимидағи ўкув предметларининг назарий ва амалий машғулотларини олиб бориш усулиниң замонавийси бўлған педагогик технологиянинг худудимизга мос миллый модели билимлари билан қуроллантириб, унинг мазмун ва моҳиятини “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув предметини ўқитиш жараёнига татбиқ қилишни, шу асосда ўкув машғулотлари лойихаларини тузиш ва уни “Ўқитиш методикаси” таълим

йўналишлари мутахассислик фанлари туркумiga кирувчи фанлар ўкув машғулотлари лойиҳаларини тузишга кўллаш бўйича билимларни уларнинг кўникмасига айлантириши ва шулар асосида талабаларда “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумiga кирувчи фанлар ўкув машғулотлари лойиҳаларини тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириш

2-жадвал

“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани ичидаги катта модуллар ва уларнинг якуннда эришиладиган мақсадлар

Катта модуллар номи	Катта модуллар якуннда эришиладиган мақсадлар	Педагогик технология ва унинг тамойиллари асосида ўкув жараёнини лойиҳалашнинг назарий асослари	Талабаларда педагогика илмининг тадқиқод обьекти, предмети, мақсади ва ёчилиши шарт бўлган масалалари, ўқитувчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган педагогиканинг фаолият турлари, “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фани обьекти, предмети, мақсад ва вазифаларини, “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркуmiga кирувчи фанлар ўкув машғулотларини лойиҳаларини тузишда педагог-ўқитувчиларнинг вазифаларни тушунтириш, уларда, “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркуmiga кирувчи кирувчи фанларнинг назарий ва амалий машғулотларининг лойиҳасини тузишга, ўкув машғулотини сценарийсини ёзиш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш.
“(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркуmiga кирувчи фанлар ўкув жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни, педагогик технологиянинг иммий асосланган таърифи	“(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишларининг янгиланган классификаторга киритилишининг зарурлигини, “Ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркуmiga кирувчи фанлар ўкув жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамиятини, ўкув жараёнини технологиялаштиришнинг ижтимоий зарурияти ва ўкув жараёнини лойиҳалаш асоси бўлган педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишнинг долзарблиги ҳамда унга юклатилган вазифаларни талабаларга тушунтириш. Шунингдек, ер юзида мавжуд етакчи дидактик тизимлар таҳлили асосида педагогик технология усулининг яратилиши ижтимоий зарурият эканлиги уларнинг онгига етказиш ва улар тафаккурида педагогик технологиянинг шаклланиш тархи ҳамда иммий асосланган таърифи тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фанига тадбиқини уларнинг кўникмаларига айлантириш	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқитишида педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти	Педагогик технология тамойиллари асосида “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўқитишида педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамияти
Педагогик технология, унинг таркибий қисми бўлган ўқитиш жараёнини лойиҳалашнинг методологик асослари	Талабаларда, таълимими мөдернизация қилиш масаласининг долзарблигини, атроф оламдаги ҳар қандай нарса ва ходисаларни бир бутунлик – система(мажму)лар сифатида кўриб, уларни ташкил қилиувчи ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган унсурларини ҳам, ўзидан бир поғона пастда бўлган “Система”лар деб, идрок қилиш кўникмасини ҳосил қилдириш ва таълим-тарбия соҳасида “Системали ёндашув” тамойилини кўллашга ўргатиш ва математика таълим-тарбия соҳасида системали ёндашув тамойили асосида ўқитиш жараёнини лойиҳалашни уларнинг кўникмасига айлантириш.	Педагогик технология тамойиллари асосида “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўкув машғулотлар лойиҳасини тузиш	Талабаларга, ўкув предметининг материалини иерархия поғонали модулларга ажратиб, мақсадларини белгилашга ва ҳар бир кичик модул ичидаги таянч тушунчаларни аниглашга ҳамда назорат саволларини тузишга, шунингдек, ҳар бир кичик модулда кўлланиладиган дарс тури, типи, педагогик усуслар, ахборот технология ва дидактик материалларнинг кўлланишини ўргатиш ҳамда педагогик технология тамойиллари асосида “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўкув машғулотлар лойиҳасини тузиш кўникмаларини шакллантириш.
		“(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркуmiga кирувчи фанлар ўкув машғулотлари лойиҳаларини тузиш моделини ишлаб чикиши ўргатиш ва уни таълим жараёнига кўллаш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш.	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини ўкув машғулотлар лойиҳаларини андоза сифатида кўриб, педагогик технология тамойиллари асосида “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркуmiga кирувчи фанлар ўкув машғулотлари лойиҳаларини тузиш моделини ишлаб чикиши ўргатиш ва уни таълим жараёнига кўллаш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш.

3-жадвал
“(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фани биринчи катта модуллари ва уларнинг таркибидаги ўрта модуллар ҳамда уларнинг якуннада эришиладиган мақсадлар

Биринчи катта модулнинг номи	Ўрта модуллар, уларнинг тартиб рақамлари билан машғулот турни ва мавзунинг номи	Ўрта модуллар якуннада эришиладиган мақсадлар
“(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумiga кирувчи фанлар ўкув жараёнини лойихалашда педагогик технологиянинг ўрни, педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифи	<p>1.1. Назарий машғулот Ўкув жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ва педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифи</p> <p>“(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумiga кирувчи фанлар ўкув жараёнини лойихалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамиятини, ўкув жараёнини технологиялаштиришнинг ижтимоий зарурияти ва ўкув жараёнини лойихалаш асоси бўлган педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишининг долзарблиги ҳамда унга юклатилган вазифаларни, ер юзидаги асосий дидактик тизимларни таҳлил килиб бериш, педагогик технология усулини пайдо бўлиш шарт-шароитлари ва уни яратилишининг конуний тарзда зарур эканлигини, талабалар тафаккурларига етказиш ва унинг ўқитиш жараёнини лойихалашдаги ўрнини уларга тушунтириб бериш.</p> <p>1.2. Амалий машғулот Ер юзидаги асосий дидактик тизимлар ва педагогик технологиянинг яратилиш шарт-шароитлари</p> <p>Талабаларнинг аввалги назарий машғулот давомида олган билимларини, ўзларига айттириш ўйли билан, бу билимларга нисбатан уларда кўникма ҳосил қилдириш.</p>	

1.3. Назарий машғулот

Педагогик технологиянинг юзага келиш тарихи ва уларнинг илмий асосланган таърифи, уларнинг “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фанига тадбиғи

1.4. Амалий машғулот

Педагогик технологиянинг яратилиш тарихи ва илмий асосланган таърифи ва уларнинг “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув предметига татбиқи

Педагогик технология пайдо бўлишидан аввалги анъанавий усуллар ва янги усулларни яратиш йўлидаги уринишлар ҳамда уларнинг натижасида педагогик технология пайдо бўлганлиги тўғрисидаги билимларни ва педагогик технологиянинг илмий асосланган таърифини, таълим олувчилар онгига етказиш ва “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фанига татбиғини уларга ўргатиш.

Аввали назарий машғулот давомида эгалланган билимларни таълим олувчилардан тақороран сўраб, бу билимларни уларнинг кўникмаларига айлантириш ва “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фанига татбиғи бўйича билимларни уларга ўргатиш ва малакаларини шакллантириш.

Изоҳ. Ўқув-услубий қўйланма саҳифаларини ихчамлаштириши мақсадида, фақат биринчи катта модул ва унинг таркибига кирувчи ўрта модуллар ва унинг кичик модулларини келтирдик.

4.2. “(Математика) ўқитиш жараёнини лойихалаш” ўкув фани назарий машғулотининг лойиҳаси

Мавзу: Жаҳондаги асосий дидактик тизимлар таҳлили ва таълимтарбия жараёнини технологиялаштиришнинг зарурлиги ва унинг ўқитиш жараёнини лойихалашдаги ўрни

Бир жуфт соатлик ўкув машғулотининг лойиҳасини тузиш учун, аввал, умумий жадваллардан фойдаланиб, бу машғулотнинг **хусусий жадвалларини** ишлаб чиқиш лозим бўлди. Бунинг учун:

Биринчи навбатда, Биринчи ўрта модул ичидан 6 та кичик модулларга ажратиб, сўнг, уларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт ҳамда талабалар бажариши шарт бўлган амаллар белгиланди (**1.1-жадвал**)

Изоҳ: Муайян ўкув предмети биринчи ўкув машғулотининг, ичидаги материаллардан келиб чиқиб, уни 6 кичик модулларга ажратдик, бошқа мавзу

ёки бошқа ўқув предметининг бир жуфт соатлик ўқув машгулотлари ичидаги кичик модуллар бундан кўп ёки кам бўлиши табий.

Иккинчи навбатда, шу ўрта модул ичидаги кичик модуллар таркибидаги таянч тушунчалар аниқланиб, улар асосида назорат саволлари тузилди ва уларни баҳолаш тури ва мезонлари белгиланди (**1.2-жадвал**).

Учинчи навбатда, шу ўрта модул таркибидаги ҳар бир кичик модулларда қўлланилган ўқув машгулотининг типлари хамда педагогик услублар танланиб жойлари белгиланди (**1.3.-жадвал**).

Тўртинчи навбатда, шу ўрта модулдаги ҳар бир кичик модулларда қўлланиладиган ахборот-коммуникацион технология ва дидактик материалларнинг қўлланиш тури ва жойлари кўрсатилди (**1.4-жадвал**).

1.1-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидаги кичик модуллар, уларнинг олдига қўйилган мақсадлар ва уларга ажратилган вақт

м/м т/р	Кичик модулларнинг олдига қўйилган мақсадлар	Ажратилган вақт	Бажариладиган иш харакатлар
1	Талабалар билан танишиш ва уларни фан билимларини ўрганиш жараёнинда амал килишлари лозим бўлган коидалар билан таништириб, конспект дафтарини биринчи бетига ёздириш.	15 дақиқа	Тушунтириш ва керакли жойларини ёзиш
2.	“(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишининг очилиши таълим жараёнини технологиялаштиришдаги инновация эканлигини асосслаб бериш, шунингдек “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумига кирувчи фанлар ўқув жараёнини лойихалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамиятини талабаларга тушунтириш.	10 дақиқа	Тушунтириш ва саволларга жавоб бериш
3	Я.А.Коменский, И.Г.Песталоций, Роберт Оуен ва И.Ф.Гербард дидактик тизимлардаги асосий гоялар билан талабаларни таништириб, уларнинг ўқув жараённи лойихаларини тузишдаги ўрнини	15 дақиқа	Қисқача маълумот бериш ва саволларга жавоб бериш

4	талабаларга тушунтириш. АКШ олими Джон Дьюи дидактик тизими ва бошқа олимларнинг таклиф этган “Янги дидактика” гоялари билан талабаларни таништириб, таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг тарихий зарурият эканлигини исботлаб бериш ва унинг ўқитиш жараёнини лойихалашдаги ўрнини уларга тушунтириб бериш.	15 дақиқа	Тушунтириш ва саволларга жавоб бериш
5	Таълим жараёнини жадалаштириш ва самарадорлигини ошириш хамда ўқув жараёнини факат аъло ёки яхши даражада бўлишигини кафолатлаш баробарида уни педагогнинг маҳоратидан озод килиш вазифаси таълим технологияларига юклатилганлигини талабалар онгига сингдириш шунингдек, педагогик технологияяга шу кунгача берилиган таърифлар асосида тузилган илмий асосланган таърифи ва уларда ўқув жараёнини лойихалаш асос эканлигини талабаларга тушунтириш.	15 дақиқа	Тушунтириш ва саволларга жавоб бериш
6	Ўқув машгулотини хуласалаб, талабалардан тушган саволларга жавоб бериб, оғзаки савол-жавоб орқали талабалар билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва уйга вазифа бериш	10 дақиқа	Саволларга жавоб бериш

1.2-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидаги кичик модуллар ичидаги таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

Т/р	Кичик модуллардаги таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1	“Тартиб. Ҳар кандай ишни муваффакиятли бўлиши учун нима кильмок керак?”, “Уй вазифасини шу куннинг ўзида бажариш”, “Энг яхши хотира, бу дафтарга ёзилган сўз”	1) Иш муваффакиятли бўлиши учун нима кильмок керак? 2) Уй вазифасини кайси вактда бажарган яхши? 3) Энг яхши хотира нима? 4) Инсонларнинг янги билимларни ўрганишга хошишларининг асосий

		сабаблари? 5) Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қандай билиш босқичлари иштирок этади?
2.	“Таълимни модернизация қилиш”, “Таълим йўналиши”, “Ўқитиш методикаси”, “Ўқитиш жараёнини лойихалаш”	1) Таълимни қандай модернизация қилиш мумкин? 2) Таълим йўналишини қандай тушунасиз? 3) Ушбу таълим йўналишида факат методикага катта эътибор бериладими? 4) Ўкув машғулотларни лойихалаш деганда нимани тушунасиз? 5) Ўқитиш жараёнини лойихалаш билан ўкув машғулотларни лойихалашнинг фарки борми?
3	“Тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши”, “Хамма умум таълим олиши”, “Дидактик принциплар”, “Мактабга қабул қилиш вақти”, “Мехнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси”, “Элементар таълим назарияси”, “Ижтимоий мухитнинг тарбиядаги ўрни”, “Одам ўз характеристини ҳеч қачон ўзи яратгани эмас”, “Тарбияловчи таълим”, “Қизиктиришнинг хилма-хиллиги”, “Таълим босқичлари”, “Катталар обрўига сўзсиз бўйсуниш”, “Янги дидактика”.	1) “Тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши” деганда нимани тушунасиз? 2) Дидактик принциплар нимага асосланади? 3) “Мехнат одамни тарбиялаш ва ўстиришнинг энг муҳим воситаси” деб ким айтган? 4) Элементар таълим назарияси нима? 5) Ижтимоий мухитнинг тарбиядаги ўрнини ким кўрсатиб берган? 6) Катталар обрўига сўзсиз бўйсуниш қандай педагогик усул? 7) Янги дидактиканинг ғоялари нимадан иборат?
4	“Талабаларнинг шахсий фаоллиги”, “Ҳаётый эҳтиёжлар”, “Тўлиқ фикр юритиш жараёни”, “Қийинчиликни сезиш”, “Муаммони аниқлаш”, “Муаммони ечишни аниқлаш”, “Муаммо ечимини тафтиш қилиш”, “Ахборотларни кўпайиши”, “Ижтимоий ҳаётнинг жадаллашуви”, “Анъанавий дарс бериш	1) Талабаларнинг шахсий фаоллиги деганда нимани тушунасиз? 2) Ҳаётый эҳтиёж қаердан пайдо бўлади? 3) Тўлиқ фикр юритиш жараёни нима? 4) Қийинчиликни сезиш орқали муаммони аниқлаш ва уни ечиш жараёни қандай кечади? 5) Педагогик технологиянинг кашф килиниши заруряти нимада?

	усулларининг замон талабига жавоб бермаслиги”	
5	“Таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш”, “Дарснинг сифатини педагогнинг маҳоратидан озод қилиш”, “Ўкув жараёнининг яхши ўтишини кафолатлаш”, “Талабаларни мустакил фикрлашга ўргатиш мумкин”.	1) Таълим жараёнини қандай қилиб жадаллаштириш мумкин? 2) Ўкув жараёни сифатини қандай қилиб педагогнинг маҳоратидан озод қиласа бўлади? 3) Қайси йўл билан талабаларни мустакил фикрлашга ўргатиш мумкин?
6	“Талабаларни фаоллаштирувчи педагогик усуллар”	Уйда, мустакил равишда. интерфаол усуллардан бир нечтасини ёзиб келинг!

Изоҳ. Баҳолашнинг турлари: Бизнинг мисолда баҳолашнинг тури “Тест” деб олинганди муносабати билан, биз юқоридаги назорат саволлари асосида тест тузмадик. Чунки, тест тузили жуда осон бўлиб, буни барча уddyалай олади. Ундан кейин, ҳар бир даврда, ўкув муассасаларида баҳолашнинг бошқа турлари қабул қилинганди. Шунинг учун ўкув машғулотларини лойихалашди шу муассасанинг ҳудди ўша даврдаги баҳолаши мезони қабул қилинса тўери бўлади.

1.3-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидағи кичик модулларда қўлланиладиган ўкув машғулоти типи ва педагогик усуллар

T/p	Қабул қилинган ўкув машғулотининг типи	Қўлланиладиган педагогик усуллар
1	“Кириш ўкув машғулоти”, дарс-маъруза	“Танишув”, “Маъруза”, “Муаммоли баён”, “Кўргазмали”
2	“Янги билимларни эгаллаш”	“Бумеранг (саволлар алмашуви)”, “Муаллифга саволлар (мазмунини ойдинлаштириш)”, “Мулокот”
3	“Янги билимларни эгаллаш”	“Айтиб бериш”, “Мулокот” “хамкорликда баҳолаш (шерик фикри)”
4	“Янги билимларни эгаллаш”	“Айтиб бериш”, “Блиц сўров”, “Мулокот”
5	“Қайтариш ва мустаҳкамлаш”	“Мулокот”, “Фронтал сўров”

1.4-жадвал

Биринчи ўрта модул таркибидағи кичик модулларда қўлланиладиган ахборот технологияси ва дидактик материаллар

м/м t/p	Ахборот технологиялари	Дидактик материаллар
1	Ёзув доскаси	Қоидалар ифодаланган тақдимот
2	Компьютер, мультимедиа, ёзув доскаси	Ўкув ва кўргазмали материаллар ва слайдларнинг нусхалари

3	Компьютер, ёзув доскаси	Жадвал
5	Компьютер таълим услубиётининг изчиллигини таъминлаш	Педагогик технологияга оид дарсликлар, услугубий кўлланмалар, ўкув-услубий мажмуи ва кўрсатмали куроллар ҳамда ўкув машғулотларнинг лойиҳалари, тест. Тест
	-	

Учинчи вазифа, Биринчи ўрта модул, яъни бир жуфт соатлик ўкув машғулотининг сценарийсини билиш бўлди. Унда барча кичик модуллар, уларда бериладиган билимлар тизими, уларни талабаларга етказишда қўлланиладиган ўкув машғулоти тили ҳамда педагогик услублар, ахборот технологияси ва дидактик материаллар ўз ифодасини топди. Куйида мазкур сценарий келтирилган:

**“(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш” ўкув
фани биринчи ўрта модул – назарий машғулот
войиҳасининг сценарийси**

**Биринчи кичик модул – “Талабалар билан танишиш ва уларни фан
билимларини ўрганиш жараёнида амал қилишлари лозим бўлган
қоидалар” (15 дақика)**

Салом-алиқдан сўнг, ўкув жараёни бошланган деб ҳисобланади.

Педагог, "Танишув" ва "Айтиб бериш" усулини қўллаб ҳамда ёзув доскаси ёки компьютердан фойдаланиб, ўкув машғулотини куидагида бошлайди: Азиз талабалар, бугундан бошлаб сизлар "(Математика) ўқитиши жараёнини лойиҳалаш" ўкув предмети билимларини эгаллашга киришасиз. Бу ўкув предметидаги билимларни эгаллаш учун сизларга ёрдам бериш вазифаси менга юклатилган. Менинг исм шарифим, илмий даражам ва унвоним “ ” .

Бу ўкув предмети билимларини эгаллаш жараёнида фаол қатнашиб, ҳар бир ўкув машғулотнинг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қилсангиз, албатта кўзланган натижаларга эришасиз.

Энди, сизларни ўкув машғулоти жараёнида доимо амал қилиниши шарт бўлган бир нечта қоидалар билан таништираман. Сизлар бу қоидаларни конспект дафтарингизнинг биринчи бетига чиройли қилиб ёзиб қўйинг ва уларга доимо амал қилиб юринг.

Педагог, ўкув машғулоти жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар ёзилган плакат ёнига келиб, сўзини давом этиради.

Изоҳ: Сценарийда курсив билан ёзилган гаплар талабалар учун, конспект дафтарларига ёзии учун тавсия этилиши мумкин.

Ёзинглар! Биринчи қоида, дарсга кеч қолмай, усти-бошингиз саромжон-варишта бўлиши билан бирга, ўкув муассасасига билим эгаллаш иштиёқи билан келинг.

Сўз орқали: чунки, ҳар қандай билимни эгаллаш учун, анчагина ажлий қувват сарфлаш талаб этилади. Агар кишида, бу фаолиятга иштиёқ бўлмаса, бундай қувват унда пайдо бўлмайди. Иштиёқ ва унинг натижасида келиб чикувчи қувват сизда бўлмаса, ўкув машғулоти жараёнида билим ололмайсиз, демакки ўкув машғулотининг олдига қўйилган мақсадга ҳам ета олмайсиз. Бу дегани, сизда ўринсиз чарчоқ ҳисси хосил бўлиб, бир жуфт соатлик умрингиз зое кетган бўлади ва умрингизни увол бўлиб колишига сабабчи бўлиб қоласиз. Умрни бехуда сарф қилиш эса, катта гунохлардан ҳисобланади, чунки умрни қайтариб бўлмайди.

Ёзишни давом этказинг! Иккичи қоида. Ўкув муассасасига билим олиши мақсадида келар экансиз, фикрингизни педагогинг сўзларига жамлашини ўрганинг, яъни дикқат қилиб, бутун вужудингизни билим эгаллашга тайёрланг. Дикқат қилиб билим эгаллашнинг асосий қоидаси. "Дикқат - билим эгаллашнинг эшигидир" деган эди буюк русс педагоги Константин Дмитриевич Ушинский.

Сўз орқали: дикқат қилмасдан туриб, билим эгаллашдек эзгу мақсадингизга ҳеч қачон эриша олмайсиз. Унутманг-ки узоқ вақт, яъни 2-3 дақиқа дикқат қилиб ўтириш анча мураккаб, канчалар хоҳламанг 1-2 дақиқадан кейин дикқатингиз тарқалиб кетаверади, бу табиий хол албатта. Шунинг учун, ҳар дақиқада дикқатингизни ўқитувчининг сўзларига, ўзингизни мажбурлаб қайтариб туршингиз зарур, бўлмаса дикқат қилиш амалини бажара олмайсиз, чунки, ўкув жараёнидаги билимларни эгаллай ҳам олмайсиз.

Ёзинг: Учинчи қоида. Педагогни дикқат билан эшитиб, сўзларининг муҳим жойларини конспект дафтарингизга ёзиб боршингиз лозим.

Сўз орқали: ўкув жараёнида саволлар пайдо бўлиб қолса, уларни дафтарингизнинг бир четига албатта ёзиб қўйинг ва кулагай вақт топиб, саволларингизга жавобларни олинг.

Ёзишда давом этинг: Тўртинчи қоида. Ўкув машғулоти жараёнида тушуниб етган билимларингизни кўнникмангизга айлантириши мақсадида, уларни дарсдан ташқари пайтларда, ўйда қайта ва қайта тақрорлаб туринг, қанча кўп қайтарсангиз шунчалик билим вужудингизга сингиб, кўнникмангизга айланиб бораверади. Агарда қайтариб турмасангиз билимингиз эсдан чиқиб кетади.

Бешинчи қоида. Уйга берилган вазифани ўша куннинг ўзидаш бажаринг. "Эртага бажараман" деган хаёлга борманг! Чунки эртаси куни бугун эгаллаган билимларингиз тўлиқ эсдан чиқиб кетади. Бу қонуният, унга бўйсунмай иложимиз йўк.

Педагог, шу ўқув предмети бўйича тузилган адабиётлар руйхати ифодаланган плакат олдига келиб, таълим олувчиларга қуидаги сўзлар билан мурожаат қиласди: Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва уйда мустақил ишлаш учун адабиётлар тавсия этилади[1-9].

Иккинчи кичик модул – “(Математика) ўқитиш методикаси”
таълим йўналишларининг очилиши таълим жараёнини
технологиялаштиришдаги инновация
эналигини” (10 дақиқа)

Янгиланган классификатор бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларинг тақомиллаштирилган, тасдиқланган ҳамда босқичма-босқич татбиқ этилаётган ДТСда “Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари”да белгилан “Педагогик технология тамоийлари асосида ўқув машгуломларни лойиҳалаш” лозимлиги белгиланган.

Зеро шундай экан, таълим-тарбия замирида фаолият юритувчи педагогларнинг келажакда, айниқса таълим сифатини тубдан яхшилашдаги аҳамияти нималардан иборат.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бутунги кунда, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондириш, тобора тақомиллашиб бораётган технологияларсиз тасаввур қилиш мумкин. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида яққол кўриб турибмиз. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий мамлакатлар ҳамкорлигига замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари мумкин қадар ҳал қилинмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатимизда замонавий мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, мамлакат иқтисодиётини юксалтириб бўлмайди. Республикаизда баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1533-

сонли қарори[6]га кўра 8 та билим соҳаси 6 та билим соҳасига келтирилди ва олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш орқали таълим сифатини яхшилаш, янгиланган калассификаторга мувофиқ олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартларини яратиш унга мос дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш масалалари устувор вазифалар қилиб белгиланди.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори янгиланди. Унга мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари 169 ва мутахассисликлар (магистратура) 453 тага келтирилди.

Классификаторга мос равища ДТС, ўқув режалар модернизациялашиб, ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига босқичма босқич 2011 йилдан татбиқ этилмоқда.

Уларга ва тақомиллаштирилган фан дастурларига мос равища дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга киришилди. Булар бўйича устувор вазифалар ижроси юзасидан айрим мисоллар. Жумладан, Педагогика таълим соҳасида янги очилган таълим йўналиши “(Математика) ўқитиш методикаси” номи билан аталган (олдинги номи “Математика”,...) таълим йўналишлари бўйича ДТС, ўқув режалари ишлаб чиқилди. Янгиланган, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ДТС ва ўқув режаларини ишлаб чиқилишида фанларни ўқитишнинг таълимий томони билан биргалиқда методик томонининг кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Тасдиқланган ўқув режада 20 % атрофида мутлоч янги фанлар киритилди

Фанларни ўқитишнинг методик томонини кучайтириш мақсадида, янги очилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича жаҳон (АҚШ, Франция, Италия, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея) ва мамлакат тажрибалари тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан ўрганилди ва улар асосида, имкон даражасида, ишлаб чиқилаётган ДТС ва ўқув режалар унификацияланди.

Жумладан, “Умумий психология назарияси ва амалиёти”, “Умумий педагогика назарияси ва амалиёти”, “(Математика) ўқитиш назарияси ва методикаси”, “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш”, “(Математика) фанларида инновацион технологиялар” ва “(Математика)да ахборот-коммуникация технология” каби фанларининг номланиши ва мазмуни модернизацияланди.

Шундай қилиб, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янгиланган Классификатори асосида ДТСлари агрегацияланиб, такомиллаштирилган ҳамда узвийлашган фандастурлари яратила бошланганлиги ва мос равишда ўқув илмий адабиётларини нашр этиш, таълимнинг меъёрий-хукуқий хужжатларини такомиллаштириш улар билан таълим муассасаларини мунтазам таъминлаш, олий таълим тизимида илм-фан натижаларини амалиётга қўллаш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиғи борасида қатор ишлар амалга оширилди. Олий таълим тизимида бакалаврлар тайёрлашда иктиносидёт тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш соҳаларида талаб этилаётган ихтиносилклар бўйича, магистратурада эса янада чукурлаштирилган ва табақалаштирилган мутахассисилклар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга эътибор кучайтирилди.

Таълим соҳасининг янги очилган фанларни ўқитиши методикаси бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисилклари Давлат таълим стандартлари асосида амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, янги таълим йўналишларига киритилган фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуилар мазмунини модернизациялаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш чоралари кўрилди.

Давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар асосида фандастурлари ҳамда замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич ишлаб чиқишини йўлга қўйиш ва унинг мазмунига педагогик технологияни сингдириш ва фанларнинг ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш шартлиги таъкидланди.

Шундай экан, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими ДТС ишлаб чиқища, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш шарт.

Педагогик технология таълим-тарбия тизимининг зарурый қисми экан, унинг воситаси орқали таълим соҳасида туб бурилишни амалга ошириш мумкин. Маълумотлилик – маърифат асосини ташкил этувчи бош фоя, табиат ва жамият алоқадорлигини англаб этиш, авторитар ва соҳта тафаккур юритиш усулидан воз кечиш, сабр-бардош, қаноат, ўзгалар фикрини хурматлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш каби сифатларни шакллантиришдан иборат. Ушбу масаланинг ечими қайсиdir даражада таълимни технологиялаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Таълим-тарбия мазмунига аждодларимиз ўғитлари, ҳалқимиз миллий қадриятларини сингдириш баробарида, замонавий педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ қилмай туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Айни вактда, Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кўп соҳаларни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хуласалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришни жадаллаштиришни ҳам йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида айтилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қиласи.

Бу муаммони ҳал қилиш учун республикамизнинг кўзга кўринган педагог олимлари билан ҳамкорликда илмий асосланган таълим технологиясини тадқиқ этиш йўлида бир қанча ишларни амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, системалар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқкан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатларда мавжуд педагогик технологиялар тамойилларига тўлиқ суюниб туриб, республикамиз педагогларига тушунарли бўлган ҳудудий педагогик технологиянинг миллий модели яратилди.

Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлида ўқув фанларнинг барча турдаги машғулотлари лойиҳаларини тузиш асосида модулли ўқитиши назарий асосланган бўлиб, бугунги кунда уни таълим жараёнига татбиқ этишга кулаг фурсат долзарб масаладир. Бу долзарб масаланинг ечими сифатида, республика таълим жараёнидаги фанлар ўқув машғулотларининг ilk лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Аслида педагогик технология, анчагина мураккаб бўлиб, аввалги барча дарс бериш усулларининг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган, замонавий педагогик тадбирдир. Педагогик технологияда, дарс ва ўқув машғулотлари жараёнида амалга ошириладиган ишларнинг босқичма-босқич ва дакикама-дакиқа олдиндан лойиҳаси тузиб олинади. Шунда, ўқув машғулоти ва дарс жараёнида бериладиган таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари, қўлланиладиган восита ва дидактик материаллар лойиҳада кўрсатилади. Ўқув машғулотлар билим бериш ва уларни эслаб қолиш билан чегараланмай, талабалар берилган билимлар асосида амалий машқларни бажара олишади, барча талабаларнинг

ўзлаштириши доимий назорат остига олинади ва ҳоказо. Педагогик технологияни таълим жараёнига татбиғи, барча таълим муассасаларида дарс ва ўқув машғулотларининг фақат яхши ёки аъло даражада амалга ошишини кафолатлади. Чунки, бўлғуси дарс лойиҳаларини олимлар ёки тажрибали педагоглар тушиб чиқсан бўлади.

Масалан, Таълим соҳасининг янги очилган “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишида ўргатиш ва ўрганиш учта тоифадаги усувларни шакллантириш орқали эришилмоқда. Яъни, биринчи тоифадаги усувлар “Анъанавий усувлар” аталиб, талаба ёшларга билимларни “Етказиб бериш” тамойилига асосланади, иккинчи тоифадаги усувлар ноанъанавий ёки “Интерфаол усувлар” деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “Фаоллаштириш” тамойилига асосланади ва учинчи тоифадаги усувлар эса “Илғор ёки замонавий усувлар” дейишлиб, таълим – тарбия жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш тамоилидан келиб чиқлади. Натижада, таълим сифати ва самарадорлиги тубдан яхшиланишни таъминлайди ва Республикада илм-фани ва таълим-тарбияни жадал ривожланишига олиб келади.

Таълим муассасаларида маъсуллар педагогик технологияни оммалаштиришга ўз ҳиссаларини қўшган тақдирдагина таълим-тарбия соҳаси янада тараққий этади.

Учинчи кичик модул – “Жаҳондаги дидактик тизимлардаги асосий ғоялар ва уларнинг ўқув жараёни лойиҳаларини тузишдаги ўрни” (15 дақиқа)

Педагог, "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усувларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскасидан фойдаланиб, ўқув машғулотини давом эттиради: Азиз талабалар! Ўқув предметимизнинг номи “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” деб номланиб, у “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумига кирувчи фанларни педагогик технология тамоиллари асосида ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузишнинг мазмунини беради, шунингдек, уни ўқитишининг қатъий йўл-йўриғи деб тушунса ҳам бўлади. Айтингчи, авваллари ҳам ўқитишининг йўл-йўриклари бўлганми?

Мумкин бўлган жавоблар: биринчи талаба – бўлган; иккинчи талаба – бу масала энди кўтарилиган бўлса, демак бўлмаган. Бу

фикрларга қўшиладиганлар борми? Биринчи фикрга ким қўшилади? Бир нечта қўллар кўтарилиди. Иккинчи фикрни ким тўғри деб ўйлади? Яна бир неча қўллар кўтарилиди. Бошқалар ҳали ўз фикрларига эга бўлишмаяпти.

Педагог талабалар жавобини ёзув доскасига ёзиб сўз орқали машғулотни давом эттиради: кўриб турганингиздек фикрлар бўлинди, бу табиий ҳол. Аммо, иккала фикрни ҳам тўғри деса бўлади. Биринчи фикрни давом эттирасак, ўқитишининг йўл-йўриклари олдин ҳам бўлган, фақат улар ўқитиш усувлари деб номланган. Иккинчи фикрни давом эттирадиган бўлсак, у ҳам тўғри, ўқитиш усувлари бўлган-у, ўқув жараёнини катъий бир қолинга солувчи таълим технологияси бўлмаган.

Ёзинглар! Педагогик технология ўқитишни усувларининг замонавий тури бўлиб, лойиҳаланган ўқув жараёни ҳисобланиб, ўқув жараёнидаги, педагог ва талабалар ҳаракатини қатъий белгилаб беради, шунингдек, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бу жараённинг фақат аъло даражада бўлишини таъминлайди.

Сўз орқали: чунки педагогик технология тамоиллари асосида ўқув машғулотининг лойиҳасини тажрибали педагоглар ёки олимлар тузади. Унинг бошқа хусусиятлари ҳам бор, уни кейинроқ айтамиз.

Хозир сизларни Европа тарихида ўтган ва уларнинг педагогик гоялари асосида, инсоният 300 йилга яқин давр мобайнида, аҳоли таълим ва тарбиясини амалга ошириб келган буюк алломалар билан таништирамиз, чунки, уларнинг ғоялари педагогик технология усулининг яратилишига асос бўлган. Сизлар дикқат билан қулоқ солиб, мухим жойларини конспект дафтарларингизга қайд қилиб боринг.

Ёзишни давом эттиринг! XV-XVI асрларда бўлиб ўтган, Европа “Ўйгониши даври” ер юзига ўнлаб маориф олимларини етишишириб берди. Шуларнинг энг машҳури, педагогика назариясига салмоқли ҳисса қўйган ва 1592-1670 йилларда яшаб ўтган олим Ян Амос Коменский бўлган. У 1632 йили “Буюк дидактика” деган катта педагогик асарни ёзган. Бу асарида аллома “ўқитишни табиийликка бўйсунниси керак” деган фикрни илгари суради. Боланинг ақпий ва жисмоний ўсиши жараёни табиатдаги ўсиши жараёнига ўхшаши бўлади, дейдиги Коменский. Шунинг учун болани тарбиялагандо, бөгбон дараҳтнинг биологик ўсиши қонуниятини ҳисобга олгани каби, педагог ҳам боладаги табиий билиши хусусиятини ҳисобга олиши шарт. Коменский ўқишига ҳамма тортилишини, ҳамма умумтатълим олиши кераклигини уқтиради. У биринчи бўлиб синф-дарс тизимини шилаб чиқди. “Буюк дидактика” асарида ўқитишининг дидактик принциплари берилиб, ўқув жараёнида ўқитувчи уларга суюниши кераклигини уқтиради. Унумтманг-ки ҳар қандай принцип, яъни тамоил

негизида қандайдир қонуният ётади. У мактабда ўқув йили кузда 1 сентябрдан бошланиши ва уни чоракларга бўлиши, чораклар орасида таътиллар берилши, ўқув кунини она тили мактабида 4 соат, лотин мактабида 6 соат қилиб белгилаб берган. Ўқитиш усулларига келганда, Коменский "Болаларга битимни зўрлаб бериб бўлмайди", деган фикрни айтган ва таълим-тарбиянинг юмиюқ усулини маъқул деб билган. Коменский томонидан яратилган ўқитишнинг дидактик принциплари педагогик технология ва унинг тамоиллари асосида математик фанлар ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузишда ҳам дастурламал бўлади.

Коменскийдан кейин Иоган Генрих Пестолоций 1746-1827 йиллар оралигига тугилиб ижод қилган аллома олим. У ҳам, "Ҳамма одамлар таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим", дега уқтирадар экан, мактаблар жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартиришининг муҳим воситаларидан бири эканлигини таъкидлайди. Пестолоцийнинг фикрича, меҳнат одамни тарбиялаш ва ўстиришининг энг муҳим воситаси, меҳнат одамнинг жисмоний кучнингина эмас, ақлини ҳам ўстиради, унда ахлоқни ҳам таркиб топтиради. Элементар таълим назарияси Пестолоцийнинг педагогик тизимининг ўзагидир, бу назарияга кўра тарбиялаш энг оддий элементлардан бошлануб, аста-секин мураккаброқ даражасага кўтарилиб боршии лозим. Болаларда ёзув малакасини ҳосил қилиши учун Пестолоций дастлаб ҳарф элементларини, тўғри ва эрги чизиқчаларни машқ қилишини биринчи бўлиб тавсия этган. Ўқитиш усулларига келганда Пестолоций гуманист сифатида, юмиюқ усулда ўқитишни тўғри деб билган. Пестолоций томонидан таклиф этилган ўқитишнинг усуллари таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишида қўлланиладиган педагогик усулларнинг яратилишига асос бўлган.

Пестолоцийнинг замондоши Роберт Оуэн 1771-1827 йиллар оралигига яшаб ижод этган. У ўзининг 1813 йилда нашрдан чиқсан "Жамиятга янгича қараш ёки инсонда характеристики таркиб топтириши тўгерисидаги тажриба" деган асарида "Кишининг характеристи, уни ўраб турган ижтимоий муҳит шароити билан таркиб топади", деб таъкидлайди. Одам, - дейди Оуэн, - ўз характеристини ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни яратиши мумкин ҳам эмас. Унинг фикрича, агар биз ижтимоий муҳит шароитини ва тарбияни ўзгартирасак, ҳар қандай характеристики таркиб топтиришимиз мумкин. У болаларга бир ёшдан бошлаб ижтимоий тарбия бериши гоясини илгари сурган ва жаҳонда биринчи бўлиб ишчилар болалари учун мактабгача тарбия муассасасини барпо этди. Унинг таълим муассасасида ақлий ва жисмоний тарбия берилиб, болалар жамоа руҳида тарбияланар эди. Тарбия усулига келганда Роберт Оуэн ҳам юмиюқ усул тарафдори бўлган.

Шу даврда Иоган Фридрих Гербард (1776-1841 йилларда яшаб ижод қилган) ўзининг "Тарбия муассасаларидан келиб чиқсан умумий педагогика", "Психология дарслиги", "Психологияни педагогикага татбиқ қилиши тўгрисидаги хатлар", "Педагогикага доир лекциялар очерки" деган китобларида педагогика назариясига доир фикрларни баён қилиб берди. Гербард тарбия ишида ақлий таълимга катта аҳамият берди. У педагогикага "Тарбияловчи таълим" тушунчасини киритди ва таълимсиз тарбия бўлмайди,

дека эътироф этади. Гербард таълим қизиқшиларнинг хилма-хиллигига асосланиши лозим деб, қизиқшиларни олтита мустақил турга бўлади. У таълим босқичлари назариясini ишлаб чиқади, бу назария ҳамма мамлакатлар педагоглари орасида кенг тарқалади.

Европа ва АҚШда анъанаавий ўрта мактаблар кўп жиҳатдан Гербард педагогикасига асосланган эди. Гербардинг болаларни бошқарни тизими кенг ёйлди. Бу тизим болалар ташаббусини бўёшига ва уларнинг катталарап обрўсига ҳеч сўзсиз бўйсундиришига қаратилишиган эди. Бу эса, ўқитишнинг қаттиқ усули ҳисобланади.

Шулар билан бир қаторда Адольф Дистерверг 1790-1866 йилларда яшаб ижод қилган. У токомиллашиб борувчи таълим дидактикасини яратди, бу дидактикасининг асосий талабларини таълимнинг 33 қонун ва қоидаси тарикасида баён қилиб берди. Дистерверг таклиф қилган қўрсатмали таълим "Яқиндан узоққа", "Оддийдан мураккабга", "Маълумдан номаълумга" ўтиши керак, деган қоидалар билан боғлиқ таълимдир. Дистерверг ўқитувчи ўрганиб олган нарсаларни унумиб қўймаслиги учун уни тез-тез тақрорлаб туршини зарурлигини маслаҳат беради. Дистервергнинг фикрича, "Емон ўқитувчи ҳақиқатни айтиб бера кўя қолади, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни топтига ўргатади". Ўқитиш усулiga келганда Дистерверг юмиюқ усулини қаттиқ усул билан араглаш қўллашини таклиф қилган.

Азиз талабалар, биз факат Фарбий Европадаги "Уйғониш даври" педагог олимлари фикрларининг бир қисмини кўриб чиқдик холос. Ўша ва ундан кейинги даврдаги, шу жумладан Марказий Осиёдаги, яна қайси педагогларни биласиз?

Мумкин бўлган жавоблар: шу даврда Марказий Осиёда Абдулла Авлоний, Фитрат ва бошқа жадидчи педагог олимлар ўтган.

Педагог, баракалла, жуда тўғри жавоб, таълим-тарбия соҳасида улар қандай масалаларни кўтариб чиқишган?

Мумкин бўлган жавоблар: янги мактаб яратиш кераклигини айтишган.

Педагог, жуда тўғри, баракалла! Жадидчилар эски, диний мактабларни янгилаш тарафдорлари эди. Бизга маълумки Улуғбек давридан кейин, темурийлар авлодларининг таҳт талашиши натижасида, Марказий Осиё худуди жанг майдонига айланиб қолган эди. Шунда мавжуд бўлган кўпгина мактаб ва мадрасалар ёпилиб, факат маҳаллаларда муллалар очган хусусий мактабларгина қолган эди. Улар болаларни ўқиши ва ёзишга ўргатиб бўлганидан кейин факат диний билимларни ёд олишга ўргатар эдилар.

Ёзинглар: Бизни худудин Россия босиб олганидан кейин, Туронзаминда "Уйғониш даври" бошланган. Бу даврнинг етук намояндлари, ҳозирги талабамиз айтиганидек Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжса Беҳбудий, уларнинг раҳнамоси Маржоний ва бошқалар бўлган. Улар маҳаллий

мактабларда диний билимлар қатори, дунёвий деб номланган тарих, математика, география, биология, мантиқ, фалсафа ва бошқа ҳаётга зарур бўлган билимлар берилши тарафдорлари эдилар.

Сўз орқали: уларнинг эзгу ниятлари, тўлиқ бўлмаса ҳам, яқин ўтмишимизда амалга ошган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, аждодларимиз орзу қилган барча эзгу ниятлари амалга ошиши учун шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон файласуф ва педагог олимлари, енг шимариб, миллий педагогиканинг назарий ва амалий асосларини яратишга бел боғлаганлар. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун, сиз ёшлиар, албатта ўз ҳиссаларингизни қўшишингиз шарт. Ватан сизники, ҳаёт сизники! Бу Ватанда эркин ҳаёт кечириб, Ватан истиқболини, шу жумладан миллий педагогиканинг истиқболини ҳам, сизлар белгилайсизлар.

Сизларга савол, шу ва кейинги даврлардаги яна қайси педагог олимларни, шу жумладан Россиядагиларни, биласизлар?

Мумкин бўлган жавоблар: яна Макоренкони биламиз.

Педагог, тўғри жавоб, яна кимларни биласизлар? Жавоблар йўқми?

Бўлмаса, Сизларга XIX аср охири ва XX асрдаги Россиянинг оқ ва қизил империяси давридаги педагог олимларни айтиб берай.

Ёзинглар: Россияда буюк педагог Константин Дмитриевич Ушинский, Надежда Константиновна Крупская, Сухомлинский, Макоренко ўтган; Марказий Осиёда Абай Кўнонбоев, Кори Ниёзий, ва бошқаларни киритса бўлади. Бу олимлар ўз даврида педагогика назарияси ва амалиётига баҳоли қўдрат ўз ҳиссаларини қўшгандар.

Сўз орқали: улар тўғрисида батафсилроқ маълумотни "Педагогика тарихи" ўқув предмети орқали билиб оласизлар.

Юқоридагилардан шу холосага келиш мумкинки, уларнинг ғоялари қайсиидир маънода педагогик технология миллий моделини яратилишига асос бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

Тўртинчи кичик модул – "Янги дидактика"нинг ғоялари ва таълим тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг тарихий зарурият эканлигини (15 дақиқа)

Педагог, "Блиц сўров", "Мулоқот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компьютер ёки ёзув доскасидан фойдаланиб машғулотни давом эттиради: Азиз талабалар, хозир сизлар билан педагогика назарияси ва амалиётига ҳисса қўшган педагог олимларининг бир қисми билан танишиб чиқдик. Маълум бўлдики, тахминан 300 йилдан бери педагогика назарияси

ривожланиб таракқий этиб келаётган экан, шу давр мобайнинда кўплаб дидактик тизимлар ва юзлаб таълим усуллари таклиф қилинган ва амалиётда синаб кўрилган, аммо ҳаммаси ҳам ҳаёт синовидан ўтмаган. Сизларга савол, дунёда муваффакият билан фаолият олиб бораётган дидактик тизимларнинг қайсиарини биласиз?

Мумкин бўлган жавоблар: Ян Амос Коменскийнинг дидактик тизими.

Педагог: жуда яхши, яна қайсиарини биласизлар? Жимлик, демак билмайсиз. Бўлмаса мен сизларга айтиб берай! Аммо сизлар айтганларимни диккат билан эшишиб, муҳим жойларини, конспект дафтарларингизга ёзуб боринг, келишдикми? Баракалла! Бошладик.

Ёзинглар: Жаҳондаги кўргина мамлакатларнинг педагогик амалиётига сингдирилиб, шу кунгача нуфузини сақлаб турганлари - учта. Бу ҳам бўлса, ҳозирги укамиз (ёхуд синглими) айтган, чехиялик Я.А.Коменскийнинг дидактикаси, юқорида айтиб ўтганимиз, немис педагоги ва психологи И.Ф.Гербард ва америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюенинг дидактик тизимларидир.

XX асрнинг биринчи ярмиларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Джон Дьюи, Гербард дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф килди ва уни Чикаго мактабларидан бирида муваффакиятли синаб кўрди.

Ёзишни давом этинглар! Дьюи "ўқув жараёнинда ўқитувчи эмас ўқувчи фаол бўлмоги лозим" деган таклиф билан чиқди. У ўқув жараёнинда бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг хоҳишидан келиб чиқкан бўлиши керак деб ҳисоблаган. У китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча, талабаларни ўқишидан совитиб, тафаккурини занглашатди деб таъкидлаган. Дьюенинг таълим-тарбия назариясига қўшган асосий ҳиссаси - бу "Ақл юритишнинг тўлиқ жараённи дир". "Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчи ҳалқаси муаммонинг пайдо бўлиши", дейди Дьюи. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, ўқувчи ёки талаба қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва уни синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва яна синаб кўради, бу жараён бир неча маротаба қайтаришганидан кейин, охир-оқибатда унинг тўғри ечимини топади. Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараённи амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизим "Муаммоли ўқитуш" усули деб номланди.

Сўз орқали: Бу учта дидактик тизимнинг бир талай ижобий томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик катор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштирувчи дидактик тизим яратилди ва у "Янги дидактик тизим" деб

номланди. Шунга яқин дидактик тизимни рус академиги Бабанский ҳам кашф қилмоқчи бўлиб, уни "Таълим жараёнини оптимизациялаштириш" деб номлаган. Янги дидактик тизимда, шу жумладан Бабанский гоясида, илгари сурилган гоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин эканлиги амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактик тизимларни энг яхши томонларини бирлаштирувчи янги дидактик тизим асосида ўкув машгулотини олиб бориш оддий педагоглар ўёқда турсин, тажрибали педагог олимлар учун ҳам қийнчилик туғдирди. Шу муносабат билан:

Ёзинг! Барча ўқитувчи ва педагоглар фойдалана оладиган, ўзининг қатъий тузилмасига ва амалий якунига йўналтирилган ҳамда дунёдаги барча дидактик тизимларнинг яхши томонларини ўзида бирлаштира олиш хусусиятига эга бўлган ўқитишининг "Педагогик технология" усули ишлаб чиқилиди ва ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига татбиқ қилинди.

Бешинчи кичик модул – "Таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган технология"
(15 дакика)

Педагог "Блиц сўров", "Мулокот" ва "Айтиб бериш" усулларини қўллаб ҳамда компютер ёки ёзув доскаси ва плакатдан фойдаланиб,

Сўз оркали: Азиз талабалар! XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошлари фан ва техника соҳасида инқилобий ривожланиш даври сифатида тарихда жой олгани ҳаммамизга маълум. Бундай ҳолат, ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиб бориши, уларнинг янги турларини пайдо бўлиши, ўз навбатида бу эҳтиёжларни қисқа мuddатда ва сифатли қондирилишининг йўлга қўйилишини тақозо этиши натижасида пайдо бўлди.

Ижтимоий зарурият маҳсулни бўлган ишлаб чиқариш соҳасининг турлари ва бу жараённи такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам куч сарфлаб юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини яратди. Моддий ишлаб чиқариш, хом-ашёларни қайта ишлаш соҳаларида технологик ёндашув юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндашув, муайян соҳаларда ислоҳотларни ташкил этиш, уларни муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишининг самарали омили сифатида намоён бўлди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий юксак технологияларнинг татбиқ этилиши қатор шарт-шароитлар асосида кечди, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнги ютуқларига

лонгинаш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги қасбий маҳораттага эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди. Бунинг учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг қасбий маҳоратини ошириб боришга эришиш жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутади.

Инсоният илк тараққиётининг куйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда ва оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар кўйилмоқда.

Ёзинглар: шунинг учун, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқарни жараёнини тўлақонти англай имконига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта оловчи малакали мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишини тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқликда ривожланниб бораётган "Педагогика" фанининг вазифалар доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларида самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам кўндаланг қўйилган.

Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган ўзбекистон жамияти таълим тизими олдига қўйидаги талабларни ўртага ташламоқда:

– маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжасияти тараққиётидан, бир оз бўлса-да, ортда қолиб бораётган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносаб ўрин эгаллаши учун, аҳоли таълим мини жадаллаштириши ва самарадорлигини ошириши мақсадида илгор педагогик усуллардан фойдаланишини;

– фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириши учун вақтнинг чегараланганлиги;

– кишилик жамияти ўз ривожининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдаланишига эга бўлган, аниқ амалий якунга йўналтирилган, техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

– ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаши талаби, уларнинг тафаккурини кенгайтирувчи ва илгор билим бериши усули ҳисобланган объектив борлиққа "Мажмуавий ёндошув" таомойлидан кенг фойдаланишини талаб қилишидадир;

– Ўзбекистон жамияти жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо, ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбияда дебсиниши ва умумий тараққиётдан орқада қолиши сезилмоқда. Бундай ноxуши вазиятдан чиқиб кетиши йўлларидан бири – таълим-тарбия жараёнини ривожлантириши мақсадида қабул қилинган "Таълим-тарбия"ги Конун, "Қадрлар тайёрлаши миллий дастури" ва Давлат тўғрисида"ги Конун, "Қадрлар тайёрлаши миллий дастури" ва

стандартларига жавоб берувчи "Педагогик технология" тамошлари асосида лойиҳалаштиришидир.

Бу усулни бошқа таълим усуllibаридан ажератиб турадиган ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

"Педагогик технология" объектив нарса ва ҳодисаларга "Системали ёндашув" тамошлари асосида яратилган бўлиб, тўлиқ унинг қонун ва қоидаларига буйсунади. Бошқа педагогик усуllibар, тузилиши жиҳатдан эркин бўлиб ўқув жараёнининг таркиби, унда қўлланиладиган усуllibар ва ахборот-коммуникацион технологиялар ўқитувчи ихтиёрида бўлган;

Педагогик технологиянинг асосий мақсадига эришиши босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва талаб қилинадиган воситалар ҳамда педагогик усуllibарнинг аниқ қўлланиладиган жойлари белгиланади. Бошқа педагогик усуllibарда таълим-тарбия жараёнининг якуннада умумий мақсад қўйилиб, унга эришиши ўйлари ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қўлинган;

Педагогик технология универсал хусусиятга эга бўлиб, унинг асосида ўқув жараёнини ҳар бир мутахассис, аъло даражада бўлмаса ҳамки, ҳар ҳолда яхши амалга ошира олади. Дарснинг самарадорлигига педагогнинг маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди. Чунки, ўқув жараёни, таълим технологияси тамошлари асосида, аввалдан лойиҳаланади. Аввалигъ дарс берииш усуllibарини амалиётда қўллаш учун, маълум даражада ўқитувчининг педагогик маҳорати ва шахсий сифатлари етакчилик қилган;

Педагогик технология ёрдамида ўқув жараёни лойиҳаланади, бу лойиҳани амалиётда қўллаганди, таълим жараёнини доимий ва тўлиқ назорат қилиши имкони мавжуд. Аввалини бундай имконият ўқитувчиларда бўлмаган;

Педагогик технология ёрдамида ўқув жараёни лойиҳалашада ва бу лойиҳа асосида ўқув машғулотларини амалга оширганда, натижаси талабаларда эгалланган билимларга қўнгум ҳосил қилиши билан якунланади. Бошқа педагогик усуllibар ёрдамида ўқув жараёни амалга оширганда, талабалар берилган билимларни зўрга эслаб қолардишар холос.

Педагогик технология давлат таълим стандартларидаги кўрсаткичларга эришишини кафолатлаиди ва сарфлаш талаб қўлинган вақт, куч ҳамда воситаларни меъёр даражасида ушлайди. Бошқа педагогик усуllibарда бундай имконият ўйж.

Шунинг учун хам "Математика ўқитиши методикаси" таълим йўналиши ўқув режасига "Математика ўқитиши жараёнини лойиҳалаш" ўқув предметининг киритилиши юкоридаги фикрларнинг кафолатидир.

Олтинчи кичик модул (10 дакика)

Педагог, "Мулоқот" ва "Фронтал сўров" усуllibарини қўллаб ҳамда ўзи тузган "Тест"дан фойдаланиб, ўқув машғулотига якун ясайди. Азиз талабалар! Шу билан биз "Ўқитиши жараёнини лойиҳалаш" ўқув предмети тўғрисида умумий маълумотга эга бўлдик. Яъни, ўқув машғулотларини амалга оширишнинг технологиялашган усулининг пайдо бўлиш сабаблари, бу усул пайдо

бўлмасидан олдин ўкув машғулотларини олиб бориш усуларининг турлари, бу усуllibарни тактиф килган аллома ва олимлар хақида маълумотлар, шунингдек, бошқа қатор билимларга эга бўлдик. Шу мавзу бўйича сизда қандай саволлар пайдо бўлди? Марҳамат!

Мумкин бўлган саволлар. Савол: агар "Педагогик технология" инсоният кашф килган барча усуllibарнинг яхши томонини ўзида мужасамлаштирган бўлса, унда аввалги ҳамма усуllibар бекор қилиниб, улардан фойдаланиб бўлмайдими?

Жавоб: яхши савол. Туридан қатъий назар, ҳар қандай педагогик усуllibарни маъмурӣ йўл билан бекор килиб ёки мажбурлаб ўкув жараёнига киритиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай усуllibар эгаллаб олиш ва уни педагогнинг шахсий усулига айлантириш учун анча вақт талаб қилинади. Шунинг учун мазкур ўқув предмети бўйича тавсия қилинаётган педагогик технологияни ҳар бир ўқитувчи ва педагог йиллар давомида босқичма-босқич эгаллаб, ўзининг педагогик фаолиятига сингдириб боради. Бу жараён қанчалик тез ўтса, нафақат педагогнинг ўзи учун, балки талабалар учун ҳам ва маъмурият учун ҳам шунчалик самарали натижа беради. Шунинг учун аввалги ўқитиши усуllibарни маълум бир вақтгача сақланиб туради. Жавобим қониқарли бўлдими? Яна саволлар борми?

Савол: Педагогик технология усули Ўзбекистонга қачон кириб келди?

Жавоб: XX асрнинг 90 йилларидан бошлаб.

Саволнинг давоми: ундан бўлса, 20 йилча бўлибди-да, нега шу вақтгача у кенг тарқалмади?

Жавоб: мен айтидим-ку ҳар қандай янги усуllibи амалиётта сингириш учун бир неча йиллар талаб қилинади. Ундан ташқари, хорижга бориб педагогик технологияни ўрганиб келган мутахассислар, сафарга борган мамлакатининг педагогик технология моделини ўрганиб, уни худудимизга мослаштириш туриб, педагогик жамоатчиликка тақдим қилдилар. Амалиёт шуни кўрсатдик, хорижда кашф қўлинган ҳар қандай усуllibи ўз худудига қўллаганди, шу усулининг тамошларидан тонмаган ҳолда, уни қайта ишлаб, худудга мослаштириш керак бўлади. Бу вазифани Ўзбекистоннинг педагог олимларий кейинроқ англаб ётиб, Педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини фақат 2000 йилдан кейин ишлаб чиқдилар ва уни 2009 йили нашрдан чиқардилар, адабиётлар рўйхатига қаранг. Яна саволлар борми? Бўлмаса, шу билан биринчи назарий ўкув машғулотимизни якунлаймиз.

Дафтарингизга ёзиб қўйинг! Уйингида, мустақил равишда ишланингиз учун тавсия этилган адабиётлар билан танишиб, аниқлаган интерактив педагогик усулларнинг бир нечтасини ёзиб келинг. Интерфаол усулининг янги турини ўзингиз қашф қылсангиз ҳам бўлади.

Юкорида биз фақат бундай усулларнинг бир қисмини айтиб ўтдик холос. Эслатиб ўтаманки, педагогик технология педагогик усулларнинг энг охиргиси, янгиси бўлгани билан аввалги усуллар бекор қилинмаган, бу усуллар педагогик технологиянинг тамойиллари асосида ўкув машғулотининг лойиҳалаш жараёнида, унга услуб вазифасини ўтайди. Шунинг учун педагогик усулларнинг анъанавийсими, интерфаолларими, уларнинг барчасини ўрганиб олишингиз керак.

Шу билан, ўкув машғулотимиз тугади, яна учрашгунча хайр, омон бўлинглар!

4.3. “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани амалий машғулот лойиҳаси

Биринчи ўрта модул иккинчи кичик модулининг амалий машғулот лойиҳаси

Амалий машғулот, назарий машғулотга нисбатан, талабаларнинг мустақил фикр юритиб, айтиб ва кўрсатиб бериш йўли билан амалга ошганлиги учун ва педагог талабалар фаолиятини бошқариб туриши муносабати билан, бу жараёни лойиҳалашда фақат ўкув машғулотини модулларга ажратиб, уларнинг мақсадларини, уларга ажратилган вақт ва қўлланиладиган ўкув машғулоти типи ва педагогик усулларини ҳамда назорат саволларини ифода этувчи жадвалларни тузиш билан кифояландик.

Мавзу: Ер юзидағи дидактик системалар ва педагогик технологиянинг яратилиш шарт-шароитлари ва уларнинг “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналишлари мутахассислик фанлари туркумiga кирувчи фанлар ўқитиш жараёнини лойиҳалашдаги ўри

2.1-жадвал

Иккинчи ўрта модул амалий машғулот таркибидаги кичик модулларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт

М/М т/р	Кичик модуллар ва уларнинг олдига қўйилган мақсадлар	Ажратилган вақт
1.	Аввалги назарий машғулотда эгалланган билимларни савол-жавоб орқали эслаш ва амалий машғулот давомида ечиладиган саволларни ёздириш орқали талабаларни бу билимлар билан танишитириш	10 дақиқа

2.	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанининг максади ва предмети ва математика туркумiga кирувчи фанлар ўкув жараёнини лойиҳалашда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамиятини талабаларга тушунтириш	10 дақиқа
3.	Талабаларнинг уйига берилган вазифани текшириш орқали, уларни мавзудаги билимларни ўзлаштириб олганлик даражасини аниклаш ва талабаларнинг бирламчи рейтингларини кўйиб чикиш	15 дақиқа
4.	Европа “Уйғониш даври”даги педагогик олимларнинг педагогика назарияси ва амалиётига кўшган хиссаларини, талабаларнинг ўзларига бирма-бир айттириб, назарий машғулотда эгаллаган ва уй вазифасини бажаришда мустаҳкамланган билимларини уларнинг кўнікмаларига айлантириш	15 дақиқа
5.	Таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш муаммосига таъсир этган омилларни талабаларнинг ўзларига айлантириб, бу борадаги билимларини кўнікмаларига айлантириш	10 дақиқа
6.	Талабалар назарий машғулот давомида эгаллаган, таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишда Ўқитиш жараёнини лойиҳалашдаги ўрни тўғрисидаги билимларини, ўзларига айттириб, кўнікмаларига айлантириш	10 дақиқа
7.	Амалий машғулотни якунлаш ва талабалар йўл қўйган хатоларини тўғрилаб, уларнинг шу машғулот якунни юзасидан рейтингларини чиқариш	10 дақиқа

2.2.-жадвал

Иккинчи ўрта модул таркибидаги кичик модулларда қабул килинган ўкув машғулотининг типи ҳамда қўлланиладиган педагогик усуллар

М/М т/р	Ўкув машғулотининг тури ва типи	Қўлланиладиган педагогик усуллар
1.	“Эгалланган билимлар билан бирламчи танишиш”	“Савол-жавоб”, “Айтиб бериш”
2.	“Текширув”	“Тушунчалар таҳлили”
3.	“Эгалланган билимларни амалиётда қўллаш”	“Заковатли зукко”, “Бумеранг”
4.	“Эгалланган билимларни амалиётда қўллаш”,	“Заковатли зукко”, “Бумеранг”
5.	“Эгалланган билимларни амалиётда қўллаш”, “Кўнікмалар хосил килиш”	“Заковатли зукко”, “Бумеранг”

2.3-жадвал

Иккинчи ўрта модул таркибидаги кичик модуллар ва уларда қўлланиладиган саволлар

м/м т/р	Назорат саволлари
1.	Аввалги назарий ўкув машғулотида қайси мавзуни ўтган эдик? Бу мавзуда қандай саволлар ишлаб чиқилди?
2.	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” фанини киритишдан мақсад нима?
3.	Европа “Уйғониш даври”даги педагогик олимлардан қайсиларини биласиз? Улар педагогика назария ва амалиётига қандай хисса қўшган?
4.	XX асрга келиб таълим жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга қандай омиллар таъсир этган?
5.	Таълим жараёнини жадаллаштиришда педагогик технология қандай вазифани бажаради?

Шундай қилиб муайян бир, ўкув предмети мавзуининг назарий ва амалий машғулотлар лойиҳаларини тузиш амалиёти вужудга келди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг тараккиёти ва истиқболини таъминлаш иктиносидий, ижтимоий ва маданий соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлик. Бундай ўзгаришларда фаол иштирок этиш учун инсонлардан юкори даражадаги умумий ва маҳсуслаштирилган касбий билимларни, юксак маданиятни, маънавий етукликни ва кенг дунёкараш фазилатларини намоён этилишига эришилишини талаб этади. Ушбу талаблар ва интилишлар асосида ракобатбардош кадрларни тайёрлаш буғунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Айни пайитда, педагогика таълим соҳасида янги таълим йўналиш ва мутахассисларининг очилиши вазифаларни ечимларидан бири бўлди. Шундан келиб чиккан холда, амалий кўнімларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш максадида, янгиланган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ДТС ва ўкув режаларини ишлаб чиқилишида фанларни ўқитишнинг таълими томони билан биргаликда методик томонининг кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Фанларни ўқитишнинг методик томонини кучайтириш мақсадида, янги очилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича жаҳон ва мамлакат тажрибалари тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан имкон даражасида унификацияланиб, педагогика таълим соҳасида янги очилган “(Математика) ўқитиш методикаси” таълим йўналиши бўйича ДТС ва ўкув режасига “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани киритилди.

Таълим-тарбия тизими орқали замон талабига жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш кўп жиҳатдан фан ўқитувчиси ва педагогларининг ўкув жараёнини педагогик технология тамойиллари асосида лойиҳалаб, бу лойиҳалардан ўзининг ўкув машғулотларида самарали фойдалана олишларига боғлиқдир. Бўлажак ўқитувчига бундай билимларни “(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани беради.

Шу нуқтаи назаридан ушбу методик тавсияномада олий таълимнинг бакалавр босқичида ўтиладиган “Математика ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фанининг мазмуни ва битта назарий ўкув машғулотини умумий, хусусий жадваллари билан машғулотнинг сценарияси мисол тариқатида келтирилди ва булардан фанларни ўқитиш методикаси таълим йўналишларида киритилган ўкув жараёнини лойиҳалаш фанларининг фандастури, ўкув адабиётларини яратишида методологик асос сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар руҳхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.:Ўзбекистон. 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1997 йил 29 августда қабул қилинган) / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:Ўзбекистон. 1997.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 173 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т. Ўзбекистон, 1997, 84 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-1533-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада таомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16-августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 343-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2008 йил 30 майдаги 160-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Фанларнинг ўкув дастурларини модернизация килиш бўйича йўрикнома” ва “Фанлар бўйича ўкув дастурларини яратиш тартиби”.
10. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 16 сентябрдаги “Янгилangan классификаторга мувофиқ ишлаб чиқилган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари ва ўкув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5110100 – “Математика ўқитиши методикаси” таълим йўналиши Давлат таълим стандарти(ДТС).
11. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартағи “Янгилangan классификатор асосида таомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўкув режаларига мувофиқ ишлаб чиқилган намунавий фан дастурларини тасдиқлаш ҳамда
- ўкув адабиётларини нашр этишга рухсат бериш тўғрисида”ги 107-сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастурлари.
12. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат - Т.:ТДПУ,2003.
13. Alixonov S. Matematika o`qitish metodikasi. Т.: “TAFAKKUR-BO`STONI”, 2011. 385 b.
14. Беспалко В.П. Слагаемые педагогической технологии. -М.: “Педагогика” 1989.
15. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. "Педагогик технология: замонавий ўзбек миллий модели". -Т:; Lider - Press, 2009.
16. Изетаева Г.К. Педагогик технология тамоиллари асосида ўкув машғулотларни лойихалаш – таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилашни таъминлайди. “Халқ таълими” илимий - методик журнали, Тошкент– 2013 йил, №5, 25-30 б.
17. Йўлдошев Ж.Ғ., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар./Ўкув кўлланма. –Тошкент: “Иктисад-Молия”, 2009. -652 б.
18. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши. Насаф, 2000.
19. Тожиев М., Зиёмуҳаммадов Б. Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жарабёнига тадбиги ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. –Т., Мумтоз-Соз, 2010.
20. Тожиев М., Зиямұхаммедов Б. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ: назарий ва амалий ўкув машғулотларни лойихалаш тажрибасидан //Методик тавсиянома. -Т.: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти”, 2013. 64 бет.
21. Tajiev M., Ziyamuxamedov B., O`ralova M. Pedagogik tehnologiya va pedagogic mahorat fanining o`quv mashgulotlarini loyihalash(Pedagogik ehnologiya milliy modelining amaliyotga tatbig'i)/ O`quv qo'llanma/ T.: «Tafakkur-bo'stoni», 2012. 224 b.
22. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар - дўстона мухит яратиш омили. – Тошкент: ЮНИСЕФ, 2005, 157 б. (ўкув кўлланма).
23. Юнусова Д.И. «Математикани ўқитишининг замонавий технологиялари». Тошкент “Фан ва технологиялар”, 2011, -200 б.
24. Сейхалилов Э., Тажиев М. Педагогическая технология: опыт практического применения и системно-содержательного анализа. /Учебное пособие. Т.: “TAFAKKUR-BO`STONI”, 2012,-256 с.

Мундарижа

T/п	Мавзулар	
1.	Кириш.....	3
I.	УМУМИЙ МЕТОДОЛОГИЯ.....	6
1.1.	Ўкув машғулотини лойиҳалаш жараёнига тамоил бўлиб хизмат қилувчи қонун ва қоидалар.....	6
1.2.	Диалектика қонунлари билан системали ёндашув тамоилининг қоидалари.....	16
II.	ХУСУСИЙ МЕТОДОЛОГИЯ.....	22
2.1.	Дидактиканинг қонун қоида ва принциплари билан психологик ва психоанализ қоидалари.....	22
2.2.	Педагогик технология тамоиллари.....	25
2.3.	Методологик асосларга суюнган ҳолда ўкув машғулоти лойиҳасини яратиш методикаси.....	27
III.	“МАТЕМАТИКА) ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ” ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ.....	30
IV.	ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ.....	47
4.1.	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани назарий ва амалий машғулотлари лойиҳалари.....	47
4.2.	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани назарий машғулотининг лойиҳаси.....	51
4.3.	“(Математика) ўқитиш жараёнини лойиҳалаш” ўкув фани амалий машғулот лойиҳаси.....	72
	Хуласа.....	75
	Фойдаланилган адабиётлар.....	76

**МАМАРАЖАБ ТОЖИЕВ
БЎРИ ЗИЁМУҲАМЕДОВ
КАМОЛИДДИН МАМАДАЛИЕВ
ГУЛБАҲОР ОПАЕВА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВРИАТ БОСҚИЧИДАГИ
ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТУРКУМИДАГИ
ФАНЛAR ДАСТУРИ ВА АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

Тожиев М.

Олий таълимнинг бакалавр босқичидаги “(Математика) ўкув жараёнини лойиҳалаш” туркумдаги фан дастури ва адабиётларини яратишнинг методологик асоси ва методикаси //Ўкув-услубий қўлланмана / **М.Тожиев, Б.Зиёмуҳамедов, К.Мамадалиев, Г.Опаева;** Маъсъул мұхаррир: Иқтисод фанлари доктори, профессор **Б.Х.Рахимов;** техника фанлари доктори, профессор **М.У.Мажидовнинг** умумий таҳхирни остида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. –Т.: “TAFAKKUR-BO’STONI”. 2013. –80 бет.

**I. Зиямуҳамедов Бўри. II. Мамадалиев Камолиддин.
III. Опаева Гулбахор.**

1. ТАРАСОВА НАДЕЖДА АЛЕКСАНДРОВНА	1
2. Контактная информация	2
3. Структура методологии	3
4. Учебно-методический материал	4
4.1. Учебно-методический материал изложенный в виде буклера изданного в 2013 году	5
4.2. Дидактический материал изложенный в виде томонинарии конспекта лекций	6
5. Контрольные задания	7
5.1. Контрольные задания на темы лекций	7
5.2. Контрольные задания на темы лекций	8
6. Педагогическая практика	9
6.1. Методологик аспиранта	9
6.2. Методологик аспиранта	10
6.3. Методологик аспиранта	11
6.4. Методологик аспиранта	12
6.5. Методологик аспиранта	13
6.6. Методологик аспиранта	14
6.7. Методологик аспиранта	15
6.8. Методологик аспиранта	16
6.9. Методологик аспиранта	17
6.10. Методологик аспиранта	18
6.11. Методологик аспиранта	19
6.12. Методологик аспиранта	20
6.13. Методологик аспиранта	21
6.14. Методологик аспиранта	22
6.15. Методологик аспиранта	23
6.16. Методологик аспиранта	24
6.17. Методологик аспиранта	25
6.18. Методологик аспиранта	26
6.19. Методологик аспиранта	27
6.20. Методологик аспиранта	28
6.21. Методологик аспиранта	29
6.22. Методологик аспиранта	30
6.23. Методологик аспиранта	31
6.24. Методологик аспиранта	32
6.25. Методологик аспиранта	33
6.26. Методологик аспиранта	34
6.27. Методологик аспиранта	35
6.28. Методологик аспиранта	36
6.29. Методологик аспиранта	37
6.30. Методологик аспиранта	38
6.31. Методологик аспиранта	39
6.32. Методологик аспиранта	40
6.33. Методологик аспиранта	41
6.34. Методологик аспиранта	42
6.35. Методологик аспиранта	43
6.36. Методологик аспиранта	44
6.37. Методологик аспиранта	45
6.38. Методологик аспиранта	46
6.39. Методологик аспиранта	47
6.40. Методологик аспиранта	48
6.41. Методологик аспиранта	49
6.42. Методологик аспиранта	50
6.43. Методологик аспиранта	51
6.44. Методологик аспиранта	52
6.45. Методологик аспиранта	53
6.46. Методологик аспиранта	54
6.47. Методологик аспиранта	55
6.48. Методологик аспиранта	56
6.49. Методологик аспиранта	57
6.50. Методологик аспиранта	58
6.51. Методологик аспиранта	59
6.52. Методологик аспиранта	60
6.53. Методологик аспиранта	61
6.54. Методологик аспиранта	62
6.55. Методологик аспиранта	63
6.56. Методологик аспиранта	64
6.57. Методологик аспиранта	65
6.58. Методологик аспиранта	66
6.59. Методологик аспиранта	67
6.60. Методологик аспиранта	68
6.61. Методологик аспиранта	69
6.62. Методологик аспиранта	70
6.63. Методологик аспиранта	71
6.64. Методологик аспиранта	72
6.65. Методологик аспиранта	73
6.66. Методологик аспиранта	74
6.67. Методологик аспиранта	75
6.68. Методологик аспиранта	76

«Tafakkur Bo'stoni» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор кӯчаси, 1 уй.